



JANUBDA SINOV MASHG'ULOTLARI

4-5-sahifa ►►

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 14-oktabr, №41 (3000)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

VATANPARVAR

 www.mv-vatanparvar.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



YURT TINCHLIGI ISHONCHLI QO'LLARDA



MASHAQQAT ORTIDAGI SHARAF

5-6-sahifa ►►



SHIJOAT, MATONAT, IRODA

8-9-sahifa ►►



MILLIY O'ZLIGIMIZ TIMSOLI

13-sahifa ►►

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya



14

BIR OLAM
TAASSUROTLAGA
BOY BO'LDI



16

KO'ZLARDAGI
HAVAS
JILVASI



18

ARMIYA
SPORTCHISI
JAHON CHEMPIONI!

Tahririyat
haqida
ma'lumot



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИНОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИГА ТЕГИШЛИ
ТАШКИЛОТЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА
КЎМАКЛАШИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича тизимли ишларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ-208-сон қарорининг 2-бандида бюджет буюртмачилари учун назарда тутилган чекловлар Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар (кейинги ўринларда – ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар) томонидан **ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни харид қилишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин.**

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўргазма ярмаркасини доимий тарзда ўтказиш графикаларини тасдиқласин.**

Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда ҳудудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш** учун зарур павильонларни аниқласин ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин. Бунда:

ҳудудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун зарур павильонлар бепул тарзда ажратилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мазкур кўргазма ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

3. Давлат буюртмачиларига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўргазма ярмаркалари давомида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан **ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни уч йилгача муддат давомида кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномалар тузиш** ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари ўз ҳудудида фаолият юритаётган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан **ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги ахборотларни 2022 йил 15 ноябрга қадар Электрон кооперация порталига жойлаштирсин** ва мунтазам равишда янгилаб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари доимий тарзда ўз ҳудудида тадбиркорлик субъектлари учун ўтказиладиган кўргазма ярмаркаси доирасида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари мазкур бандда белгиланган вазифалар ўз муддатида ва сифатли бажарилиши ҳамда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг **кўмаклашиш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин**, шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) **2023 йил 1 январга қадар** ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан **ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ягона реестри** (кейинги ўринларда – Реестр) юритилишини ташкил этиш;

бунда Реестр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида юритилади, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви асосида шакллантирилади ва янгилаб борилади;

б) тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари ва шароитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд

бўлган иш ўринларининг **меҳнат шароитлари юзасидан давлат экспертизаси хулосасини талаб қилиш тартибини бекор қилиш.**

6. Белгилансинки, **2023 йил 1 январдан** бошлаб давлат харидлари доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб **режа-жадвалларидаги харид предмети ҳажмининг камида 10 фоизи миқдорида** жойлашган ҳудуди бўйича тегишлича Реестрга киритилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни шартнома асосида сотиб олади.

Бунда барча давлат буюртмачилари ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан харид қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг ёки юқори турувчи ташкилотларнинг расмий веб-сайтида доимий равишда жойлаштириб боради.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги Рақамли трансформация маркази **бир ой муддатда** Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ва улар томонидан **ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи бўлимини ишга туширсин.**

8. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон қарлар жамиятининг **2022 йил давомида тажриба тариқасида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган ҳудудларда** ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Имкониятлар маркази» фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, «Имкониятлар маркази»:

ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда **ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони** сифатида фаолият юритади;

ногиронлиги бўлган шахслар билан дастлабки суҳбатлар ўтказиб, уларнинг **қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга** ўқитишга кўмаклашади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) «Имкониятлар маркази» фаолиятини ташкил этиш учун Нукус туманидаги Кердер саноат транспорт касб-ҳунар коллежи ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги «Ишга марҳамат» мономарказидан зарур хоналар ажратсин.

9. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон қарлар жамиятининг талабномаларига асосан Транспорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг **жойлашувидан келиб чиқиб, мавжуд жамоат транспорти йўналишларига ўзгартиришлар киритиш** ёки янгиларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар фаолияти ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, шунингдек, ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет тармоғида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 октябрь

(ЎЗА)

21-oktabr – O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР БЕДАРВАЗАМИ?

Замон ўзгаргани сайин тутумлару одатлар ҳам янгиланиб бораркан. Лўнда айтганда, замонга қараб жамият ҳам ёппасига эврилиш жараёнини бошдан кечираркан. Шундай замонда вазифасини ўтаб бўлган қадим нақллару мақолларни кўриб, ҳайрон қоласан киши.

Дарҳақиқат, халқнинг минг йиллик донишмандлиги маҳсули бўлмиш баъзи мақол ва нақллар эскирганини тан олиш вақти келди, чамамда. Барига сабаб замоннинг шитоб билан ўзгариб бораётгани! Авваллари айтишардики, «Бирор юртга борар бўлсанг, ё мазорини кўр, ё бозорини». Шу икки жойга қараб ўша юртнинг одамлари ҳақида маълум бир хулоса олиш мумкин экан. Бугун негадир бозору мазорга бориш шарт эмас, интернет саҳифаларида эълон қилинаётган юзлаб, балки, минглаб контент остига ёзилган изоҳларга қараб, одамлар ҳақида ёппасига хулоса қилиш қулайроқ ва осонроқ бўлиб қолди. Бу изоҳлар турлича қарашларни ифода этса-да, улар орқали қуйидаги тўртта жиҳат ҳақида билиб олишга имкон беради:

- фойдаланувчиларнинг саводхонлик даражаси;
- фойдаланувчиларнинг фикрлаш даражаси;
- аини пайтдаги руҳий ҳолати;
- уларнинг жамиятдаги мақоми.

Ҳозир нима кўп, ижтимоий тармоқнинг тури кўп. Қўлимиздаги смартфоннинг ёқимиз билан виртуал оламнинг ахборот ёмғири остида қоламиз, турли тармоқлардан бирин-кетин билдиришномалар кела бошлайди. Telegram каналларидан келган хабарлару видеолар, гуруҳларда муҳокамалар ва ҳоказо. Ёш ва интеллект жиҳатидан тармоқлар орасида бўлинишлар мавжуд. YouTube ва Telegram бошқаларига қараганда нисбатан оммабопроқ. Бир тарқалса Telegram'да тинимсиз айланиб қоладиган, YouTube'да роса шов-шув бўладиган шок видеолар ўз йўлига, уларга билдирилган фикрлар мени кўпроқ қизиқтиради. Ўша видео ёки хабарни кўрмасам ҳам кўпинча, уларнинг остида қолдирилган изоҳларни қолдирмасдан ўқиб чиқаман.

Одамларнинг воқеликка муносабати уларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқарашининг даражасидан дарак беради. Бунда даставвал кўзга ташланадиган жиҳат – саводхонлик масаласи. Ўзини ҳурмат қилган киши борки, имлога жиддий қарайди. Бу – ҳам ўзига, ҳам тилга ҳурмат белгиси. Ижтимоий тармоқлардаги изоҳлар эса вазият анча жиддий эканини кўрсатади. Агар бунга икки ёзувлиқни рўқач қилсак, барибир ҳар икки ёзувдаги изоҳлар ҳам ғиж-ғиж хатоларга тўла эканини кўрамиз. Афсуски, шундай. Ўзбекистон халқ

шоири Абдулла Орипов эски ўзбек ёзувини эслаб, «Ҳарф ўйин айлай десам, ўзгадир имло бу кун», деб ёзган эди. Изоҳларда Орипов ҳарф ўйин қила олмаган имло билан ҳам исталганча ўйин қилинганига кўп гувоҳ бўламиз. Аммо бу нотўғри ва пала-партиш ёзилган сўзлар кўпқариси, холос.

Ижтимоий тармоқларнинг формати ва аудиториясидан келиб чиқиб, изоҳлар ҳам фарқланади. Аммо саводхонлик ва фикрлаш даражасидаги оқовалар ўшалигича қолаверади. Балки, одамларнинг қўли смартфонга мослашмагандир, лекин бу хато қилиш учун арзирли баҳона эмаслиги ҳам бор гап. Чет эл контентларини кузатганимизда улар томонидан ёзилган изоҳлар ҳам имло, ҳам грамматик жиҳатдан қониқарли эканини кўрамиз.

Ёши катта фойдаланувчиларнинг изоҳларида «қ», «х», «ў» билан боғлиқ муаммоларни табиий қабул қилиш мумкин, чунки бу клавиатурада киррил ёзуви йўқлиги билан изоҳланади. Лекин ёшларнинг комментларида «ч» ҳарфини «4», «ў» ҳарфини «6», «ш» ҳарфини «w» шаклида қўлланилганига тоқат қилиб бўлмайди. Ёзув инсоннинг дид ва маданияти даражасини ҳам кўрсатиб беради. У хоҳ қўлёзма ёзув бўлсин, хоҳ компьютерда.

Вулгаризм, яъни сўкиш сўзларнинг бемалол қўлланилиши, одоб ва ахлоқ қўчаларидан бемалол хатлаб ўтилиши маданиятсизлиқнинг олий намунаси, десак, янглишмаймиз. Энг қизиғи, киноя билан айтганда, айрим юртдошларимиз сўкканда ҳам хато сўкади.

Табиий бир савол туғилади. Саводсизлик (саводхонлик даражасининг пастлиги) яқиндан кўпайиб бошладими ёки олдин ҳам шундай бўлгану, интернет ҳаммасини фош қилиб қўйдими? Бу бевосита таълим билан боғлиқ муаммоларга бориб тақалади. Жамиятда ҳар бир инсон болалигидан ўзини ҳурмат қилишга ўргатилиши керак. Инсон қачонки ўзини ҳурмат қилса, бошқаларни ҳам ҳурмат қилади. Афсуски, бугун интернетда «юлдуз» бўлиб бораёт-

ган айрим одамлар ўзига нисбатан беҳурмат кишилардир.

Саводсизлик изоҳлардан яққол кўриниб турадиган жиҳат. Аммо ёзган комментингиз фақатгина саводхонлик даражангизни кўрсатиш билан чекланиб қолмайди. Изоҳда нима ёзилганига қараб, ўша фойдаланувчининг фикрлаш даражасини ҳам билиб олиш мумкин.

Нормал шахс бирор воқеага, у айтилиқ, видео кўринишидаги муносабат бўлсин ёки матн кўринишидаги мулоҳазалар бўлсин, ўқигач ёки томоша қилгач, изоҳларда ўша айтилган фикрларга нисбатан реакциясини қолдиради. Реакция эътироз ёки тасдиқ шаклида бўлиши мумкин. Ҳар иккисининг ҳам ўқтомирида соғлом фикр туриши лозим.

Интернетнинг ўзбек сегментидаги комментлар эса асосан негатив, сўкиш, бақир-чақир ва ҳақоратли бепарда гаплардан иборат бўлиб қолгандай. Бу манзара шундай кўринишдаки, фойдаланувчи кечқурун ишдан келгач, кўк чойни дамлаволиб, кўрпачага ёнбошлаб олганча, интернетни ёқди ва ижтимоий тармоқларни айланиб, ўзи мутлақо таниммаган инсонларни хоҳлаганча ҳақорат қилади. Афсуски, унинг нафси шу қилмишдан озикланади. Бу бўйича уч йил аввал Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ўша пайтдаги бош директори Комил Алламжоновнинг журналист ва блогерлар билан учрашувида «Бундан буён ҳар бир ОАВ, блогерлар, ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерлардаги гуруҳлар модераторлари нафақат ўзлари ёзган маълумотларда белгиланган талабларга риоя қилишлари, балки улар остидаги фуқаролар, фейк аккаунтлар ёки троллар томонидан ёзилаётган давлат ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи бузғунчи шарҳлар, ҳақоратли сўзлар, таҳқирлашлар, ёлғон изоҳлар учун ҳам қонунда белгиланган тартиб асосида жавобгар бўлишларини эслатиб ўтмоқчимиз», деган эди. Кейинчалик бу фикр ижтимоий тармоқларда кескин норозиликларни келтириб чиқарди.

Чунки блогерлар ҳар бир пост остида ёзилган изоҳларни назорат қила олиши мураккаблик туғдиради.

Интернетга турли гап-сўзларни, ҳақорат ва таҳдидларни ёзиб қўйиб, қонунан жавобгарликни ҳис этгач, узр сўраб чиқаётган кимсаларни ҳам кўриб турибмиз. Бу ҳолатни сўз эркинлиги тушунчаси билан адаштириб юбормаслик лозим. Негаки сўз эркинлиги ҳар кимга фикр айтиш бўйича эркинлик беради. Лекин бировни ҳақорат қилиш, камситиш, обрўсизлантиришга уриниш, низо келтириб чиқариш каби ҳолатларга сабаб бўлувчи изоҳлар фикр эркинлиги эмас, аксинча, инсоннинг шахси ва қадр-қимматига нисбатан жиноятдир. Чет элда қолдирилган комментларда тармоқ фойдаланувчилари ўзларининг негатив муносабатини сўкиш ва ҳақоратлардан холи тарзда ифодалашади. Бундай муносабатнинг кенг тарқалган шакли «Сиздан кўра, фалончи яхшироқ». Масалан, актрисага ёзишса, «Сиздан кўра, Анжелина Жолли чиройлироқ», футболчига ёзишса, «Сиздан кўра, Холанд яхшироқ» қабилида салбий муносабат билдиришади.

Изоҳлар орқали нафақат фикрлаш даражаси, балки ўша инсоннинг руҳий ҳолатини ҳам билиб олиш мумкин. Комментларни ўқир экансиз, пост (видео ёки матн кўринишидаги) эгасига ёки ўша видеода гапираётган кишига нисбатан негатив изоҳлар кўнгилни ғаш қилади. Фикр билдириш маданияти шаклланмагани ачинарли ҳолат. АҚШнинг Мичиган университети олимлари ўтказган тадқиқотга кўра, одамлар виртуал оламда ўзининг бахтсизлиги ёки омадсизлигини ўзгаларга юқтиришга кўпроқ ҳаракат қилишаркан. Интернетнинг ўзбек сегментида қолдирилган изоҳлар орқали ҳаётдан аламзада кишилар кўплигини кўришимиз мумкин. Улар ўзидаги барча салбий ҳиссиётни ижтимоий тармоққа сочишга уринишади. Кимнидир ҳақорат қилиш, таҳдид қилиш, устидан кулиш, умуман салбий реакция қолдириш орқали ўзларининг омадсизлигига компенсация олишади. Бу уларнинг руҳий ҳолати, кайфияти яхши эмаслигини, ҳаётга нисбатан нафрат кучайиб кетганини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаганимиз тўрттинчи жиҳат эса бу ўша қолдирилган изоҳ орқали фойдаланувчининг жамиятдаги мақомини ҳам билишга имкон беради. Зиёли инсон минбаъд бировнинг фикрига нисбатан дидсиз муносабат билдирмайди. Бу дидсизлик таркибига имлою вулгаризмдан тортиб ҳақоратларгача киради. Агар пост остига қолдирилган изоҳларда киноя, сарказм белгилари кўринса, бу фойдаланувчининг интеллектуал шахс эканини кўрсатади. Чунки улар тармоқдаги воқеликка нисбатан объектив муносабатини киноя орқали билдиришади. Изоҳларга одоб ва ахлоқ нормаларига амал қилган ҳолда ёндашганликларни сезилиб туради. Аслида соғлом фикр билдирилган жойда соғлом баҳс-мунозара бўлгани яхши. Бизга эса ҳали интернет одобни етишмайдигандай туюлади. Демак, бу муаммо жамиятни ҳам безовта қилади.

Афсуски, ижтимоий тармоқлар – бизга тутилган ойна. Унга қараб ким эканимизни кўриб, билиб оламиз. Бежизга кексалар дуо қилишаётганда ўзларига инсоф сўрашмайди. Ҳар бир инсон ўзига ва бошқаларга ҳам инсоф сўраб тургани дуруст. Йўқса, бу шайини қочган тарозини тўғрилаш мушкул.

Хуршид СЕРОБОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
илмий ходими



Мудофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодир Турсунов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдаги ҳарбий қисмлар ва муассасалардаги қўшинлар жанговар тайёргарлиги, таъминоти, жанговар ҳаракатларни олиб боришдаги ўзига хослиги, энг илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш масалалари, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик машқлари дастурларининг ўзлаштирилишини ўрганиш ва баҳолаш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Дастлаб саф кўригида жамланган шахсий таркиб гуруҳларга бўлинган ҳолда 3 000 метр ва 100 метрга югуриш, топография, тактик ва тиббий тайёргарлик, қуролларни ёйиш ва йиғиш, турли ўқотар қуролларни жанговар ҳолатга, артиллерия қуролларини меъёр даражасига ҳамда алоқа воситаларини соз ҳолатга келтириш бўйича синов машғулотларини топширди. Шунингдек, бўлинма жипслигини текшириш мақсадида турли мураккабликдаги машқлар жамланмаси ҳам бажарилди.

Шуни диққатга сазоворки, бунда нафақат контракт бўйича ҳарбий хизматчилар, балки муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргар-

лик борасидаги кўникмаларига ҳам муносиб баҳо берилди.

Мудофаа вазири ўринбосари муддатли ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашиб, аскарларнинг назарий билимлари амалиёт билан қай даражада уйғунлашаётгани, дала-ўқув майдонларида олиб борилаётган ўқув машғулотлари сони ва сифати борасидаги масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

«Термиз» полигониди эса назарий билимлар амалиётда синовдан ўтказилди. Бунда миномёт батареялари, взвод тактик ҳаракатлари кўриб чиқилди. Шунингдек, қидирув разведка ишларини олиб боровчи учувчисиз учиш қурилмаларини бошқариш, улардан самарали фойдаланиш бўйича ҳам кўникмалар оширилди.



#



– Ҳарбий хизматчилар белгиланган меъёрларни нафақат ўз вақтида, балки хато ва камчиликларсиз бажариши керак. Чунки реал вазиятларда биргина хато катта-катта йўқотишларга сабаб бўлади. Кўриб турибмизки, йигитларнинг ўз мутахассисликлари бўйича тайёргарлиги аъло даражада, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси полковник Машхур Аглаев. – Биз бу каби назорат синовларида шахсий таркибнинг мустақил қарор қабул қилиш, турли ҳолатлардан оқилона чиқиб кетиш, вазиятга тўғри баҳо бериб, ўз қўл остидаги бўлинма ва гуруҳларни самарали бошқариш каби хусусиятларини ҳам ўрганиб бораёмиз.

Шунингдек, ишчи гуруҳ тоғ ўқчи взводининг тактик ҳаракатларига ҳам муносиб баҳо берди. Албатта, тоғли ҳудудларда белгиланган жанговар ва-

зифани тўғри ва аниқ бажариш ўзига хос мураккабликлар туғдиради. Бундай қийинчиликларни енгиб ўтишда эса юрт ўғлонларига машғулотлар давомида орттирилган кўникмалар қўл келади. Шу боис шахсий таркиб амалий жараёнларга киришишдан аввал махсус белгиланган майдонда зарурий кўникмаларини оширади.

Албатта, бу каби назорат текширувлари ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама тоблаб, уларнинг касбий маҳоратини янада оширади. Юрт сарҳадларини янада сергак ва ишончли қўриқлашда, она Ватан олдидаги масъулиятли бурчини муносиб адо этишида қўл келади.

**Лейтенант
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**



Mardi maydonlar

МАШАҚҚАТ

Ҳаво-десант қўшинлари. Жанг майдонидаги, тўғрироғи душман жойлашган ҳудуд ичидаги энг қийин вазифаларни бажарадиган бўлинма саналади. Шунга қарамай ҳаво-десант қўшинлари замонавий армияларнинг энг нуфузли қисмини ташкил этади ва деярли бир асрга яқинлашиб қолган тарихи давомида ўз нуфузини йўқотмай келяпти.



ОРТИДАГИ



Кўпчилик десантчиларнинг нуфузи уларнинг йўл-йўл майкаси ёки мовий бош кийими (*берети*)да деб ўйлайди. Балки, бундай қараш қайсидир маънода тўғридир. Аммо десантчиларнинг нуфузи машаққатлар ортидаги шараф эканлигини кўпчилик билмаса керак. Эришилган ушбу шараф эса йигитлик ори ва ғурури, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, десантчи деган шарафли номни кўз қорачиғидек асраш туйғулари билан уйғунлашиб кетади.

Тошкент ҳарбий округи «Марказ» десантчилар тайёрлаш базасида келгусида ҳаво-десант бўлинмаларида хизмат бурчини ўташ ниятидаги ҳарбий хизматчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб, синовларга старт берил-

ди. Синовлар олдидан Мудофаа вазирлиги масъул офицери полковник Ғулом Тўйчиев десантчилар сафига қабул қилинишдаги қийинчилик ва машаққатлар ортидаги шараф қанчалик аҳамиятли эканлигига тўхталиб, йигитларга бу йўлда омад тилади.

«Марказ» десантчилар тайёрлаш базаси ва «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида деярли бир ҳафта давом этган синовларда ўз имкониятларини амалда кўрсатган йигитларнинг десантчилар бўлинмаларида хизмат фаолиятини давом эттириш истаги қанчалик жиддий эканлигига гувоҳ бўлдик. Барча ҳарбий округлардан танлаб олинган даъвогарлар икки кун давомида тест синовлари, турникда тортилиш, 100 ва 5 000 метр-

ларга югуриш, 100 метрга сузиш ҳамда ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш каби йўналишлар бўйича меъёрий талабларни бажардилар. Айрим машқлар тўрт кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда бажарилишига қарамай десантчилар бўлинмаларида хизмат қилиш истагини билдирган йигитлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишди.

Меъёрий синовларнинг якуний босқичи «Чирчиқ» дала-ўқув майдонидаги ўқув нуқталарида давом эттирилди. Айнан мана шу ўқув нуқталарида йигитлар ҳақиқий қийинчилик ва машаққатларга тик боққан ҳолда матонат билан синовларни енгиб ўтишди. Айниқса, тўсиқлар йўлагиди иккита рингда узоқ масофага

югуриб келган ҳолда, нафас ростламасдан бокс тушишнинг уddасидан чиққан ҳарбий хизматчиларнинг иродасига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Кичик сержантлар – Ўткиржон Ёрматов, Файзулло Турдибеков, Нурканат Смутуллаев, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар – Азизбек Турсуналиев, Сирожиддин Бўриев сингари кўзида ўт чакнаган, аҳди қатъий ҳарбийларнинг ҳаракатлари мутахассисларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Синовлар давомида десантчи бўлишга даъвогарлар шу қадар қатъият билан ҳаракат қилишдики, кичик жароҳатлар ҳам уларни шаштидан қайтара олмади. Сувли, балчикли тўсиқдан ўтиб, ёғоч тўсинни тик турган ва ётган ҳолатда кўтариб тушириш, оғир юк машинасининг ғилдирагини думалатиш, аввалига бирга-бир кейин эса учта йўриқчига қарши бокс тушиш... Бу каби бир-биридан мураккаб машқлар йигитларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги қай даражада эканлигини амалда кўрсатиб берди. Шоввозлар ор учун курашди. Йигитлик ғурури қанчалик юқори эканлигини исботлашди. Энг муҳими – Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида кўксини қалқон қила олишларини кўрсата олишди.

#



ШАРАФ



гиланган меъёрларни топшира оламанми, дея бироз хавотирга тушгандим. Бунинг устига йўриқчилар синовларни тўхтатишим мумкинлигини айтишди. Охиригача курашишга қарор қилдим. Меҳнатларимнинг самараси тўфайли десантчи деган шарафли номга эришдим. Тақдирлаш маросими пайтида полковник Ғулом Тўйчиев айнан жароҳатим билан боғлиқ ҳолатга эътибор қаратиб, кейинги фаолиятимга омад тилади. Бундай эътибордан кўзларимда ёш пайдо бўлди...

Кичик сержант Файзулло ТУРДИБЕКОВ:

– «Чирчиқ» дала-ўқув майдонидаги тўсиқлар йўлагидан ўтиш жараёнида ҳақиқий десантчининг масъулиятини ҳис қилдим. Айниқса, бокс рингида мен муштлашган йўриқчилардан бири ўта оғир вазнли эди. Ҳаммаси тамом деб ўйладим. Унинг биргина зарбасидан қулаб тушишим мумкин эди-да! Таваккал қилиб очиқчасига муштлашдим. Қанча зарба ўтказганимни билмайман. Энг асосийси – икки дақиқа оёқда тик турган ҳолда чидаб бердим. Рақибимнинг юзига уч-тўртта



Синовлардан муваффақиятли ўтган марди майдонларга махсус сертификатлар билан биргаликда десантчилар беретлари топширилди. Тақдирлаш маросимида десантчилар беретини кийиш бахтига мўяссар бўлган айрим ўғлонларнинг кўзида ёш ҳалқаланди. Кимлардир

ҳаяжондан ўпкаси тўлиб, нафас ололмади. Баъзилар эса воқеалар ривожини хотиржамлик билан қабул қилди. Биз буларнинг ҳаммасини йигитлик ори, ғурури, Ватанга бўлган садоқатнинг бир кўриниши сифатида қабул қилдик. Кўз олдимизда ҳақиқий десантчиларнинг

тимсоллари гавдаланди. Аслида ҳам шундай...

Кичик сержант Ўткиржон ЁРМАТОВ:

– Синовларнинг иккинчи кунидан нимадир оғимни кесди. Симтўсиқли йўлакдан ўтишда тош қирраси кесган бўлса керак. Жароҳатим билан бел-

зарба берганим аниқ. Қолган синовларни ҳам матонат билан енгиб ўтган ҳолда ҳаво-десант қўшинлари сафида хизматимни давом эттириш имкониятини қўлга киритдим...

**Асқор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»**

ШИЖОАТ, МАТОНАТ, ИРОДА

Тарихий ва бадий асарларга эътибор берадиган бўлсак, азал-азалдан аёлларга нозик хилқат вакиллари сифатида таъриф берилган. Уларни асраб-авайлаш эр кишининг орномуси даражасига кўтарилган. Ҳаттоки, муқаддас макон бўлмиш Ватанга ҳам она сўзи қўшиб айтилган. Аммо ўтмишда нозик дея таърифланаётган аёллардан ҳам буюк саркардалар чиққанлигини бирор киши инкор эта олмаса керак. Турон халқининг милоддан аввалги 6 асрда Аҳамонийлар босқинига қарши курашига бошчилик қилган Тўмарис бунинг яққол мисолидир. Кир II билан аёвсиз жангда массагетларнинг ғолиб чиқишида Тўмариснинг жасорати ва ҳарбий-сиёсий тактикаси жуда муҳим аҳамият касб этган. Ўша даврнинг тарихчилари томонидан унинг сифатларига алоҳида эътибор берилган ҳолда, қатъияти, иродаси, сабри ҳамда ақл-заковати олдида енгилмас форслар шоҳи ҳам тиз чўккани эътироф этилган.



МЕРГАНЛИК МАҲОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида фаолият юритаётган ҳарбий аёллар ўртасида «Тўмарис» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бугун жамиятда ҳарбий аёллар оила ва фарзанд тарбияси билан бир қаторда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида ҳам ибрат бўлаётгани, шубҳасиз. Ана шундай зукко аёлларни аниқлаш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида еттита шартдан иборат танлов бўлиб ўтди. Марказий ҳарбий округга қарашли «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида бўлган бир-биридан қизиқарли шартлардан иборат танловда округлар, қўмондонликлар ва олий ҳарбий таълим муассасаларидан тузилган 10 та жамоа иштирок этди.

100 метр узоқликда жойлашган нишонга АК-74 автоматидан 10 баллик маррани кўзлаган мерган аёллар қизгин баҳс олиб боришди. Бунда, албатта, хотиржамлик, сабр, қатъиятлик ҳамда жамоавий бирдамлик талаб этиларди. Эрта тонгдан кўёш уфққа бош қўйгунга қадар давом этган мусобақанинг мерганлик шarti жуда кўтаринки кайфиятда ўтди. Жамоаларнинг йиғилган баллари ҳайъат аъзолари томонидан ҳисоблаб борилди.

– Отиш тайёргарлиги шartiда берилган 10 та имкониятнинг 8 тасидан унумли фойдаландим. Мусобақада жамоанинг бирикиши ва барча бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ҳаракат қилиши ғалабага бўлган имкониятни оширади, – дейди контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулойим Жумабоева. – Шундай экан

Тўмарисга муносиб издош бўлиб, ҳар қандай синовларда матонатли бўлишга ҳаракат қиламиз.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Ушбу йўналишда иштирокчилар «Ўзини таништириш», «Зукколик», «Мен пазанда аёлман», «Эркин мавзу» каби шартларда ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказди. Асосийси, иштирокчилар ҳар бир шартда Тўмарис табиятига хос шижоат, ғалабага бўлган ишонч, юқори интеллектуал салоҳият, маънан ва жисмонан чиниққанлигини намоён этди.

– Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида илк бор «Тўмарис» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Ҳарбий хизматчи аёлларимизнинг куч матонатини, қолаверса, Тўмарис авлодининг



#



издоши эканлигини, шу билан бир-га уларнинг ҳарбий эркаклардек ҳам жанговар машғулотларда, ҳам маҳорат бобида, санъат йўналишида, қолаверса, маънавий-маърифий йўналишларда етакчи эканлиги алоҳида таҳсинга лойиқ, – дейди Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова. – Биргина маънавий-маърифий тайёргарлик йўналишининг ўзидан ҳам билиш мумкинки, жамоалар танловга жуда юксак даражада тайёргарлик кўриб келишган. Айниқса, Тўмарис сиймосини сахна кўринишлари орқали гавдалантирган аёлларнинг иқтидорига тан бердик.

ҲАРБИЙ-ТИББИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Бир неча йилдирки Халқаро армия ўйинларида ҳарбий-тиббий эстафета йўналишида юқори ўринларни забт этиб келаётган жамоамиз ҳарбий

аёллари тезлик, аниқлик ва шижоати билан бутун дунёга армиямиз салоҳиятини кўрсатиб келмоқда. «Тўмарис» кўрик-танлови иштирокчилари ҳам худди шундай шижоат ва матонатни намойиш этишди. Ярадорни ҳарбий техникадан олиб тушиш, жароҳатини боғлаш, хавфсиз жойга олиб ўтишдек шартларни тезкор ва сифатли бажарган жамоаларнинг иштироки шу соҳанинг мутахассислари томонидан баҳолаб борилди.

– Ҳарбий хизматчи сифатида ўз фаолиятини бошлаганимга 10 йил бўлди. Аммо ҳали бундай кенг кўламдаги айнан ҳарбий хизматчи аёллар ўртасидаги мусобақанинг бўлганлигини билмайман, – дейди кичик сержант Кристина Колодяжина. – Аслида бундай кўрик-танловлар ҳарбий аёллар учун ўзини англаш, иродасини тоблаш, янги дўстлар орттириш имкониятини яратади. Бундай мусобақани ҳар йили ўтказилишини истардим. Шартлар жуда қизиқарли, ҳам ҳарбийларга хос, ҳам аёлларга. Бундан хурсандимиз.

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Шартлар ичида энг қизиқарлиси жисмоний тайёргарлик бўлганлиги, шубҳасиз. Армия биатлони, 50 метрга сузиш, 800, 400, 200, 100 метрларга эстафета югуриш сингари баҳсларни ўз ичига олган ушбу шартда ҳарбий хизматчи аёлларнинг жисмоний имконияти синовдан ўтказилди. Айниқса, тўсиқлар оша югуриш, арқонга осилиб чиқиш, 3 метр ораликдаги ёғочга пичокни санчиш, граната улоқтириш, милтиқдан нишонга ўқ узиш каби 1,5 километрдаги масофада узлуксиз бажариладиган кўп шартли армия биатлони кизгин баҳсларга бой бўлди.

– Ўтказилаётган мусобақа қанчалик қизиқарли бўлмасин, аммо шартларни бажариш осон кечмади. Шундай бўлса-да, барча иштирокчилар шартларни мардонавор ўтади, – дейди контракт бўйича ҳарбий

хизматчи, оддий аскар Виктория Морозова. – Бир нечта йўналиш бўйича мусобақа рекордини ўрнатган ҳамкасбларим қаторида мен ҳам борман. Танловнинг ушбу шарти барча иштирокчиларнинг иродаси тобланди. Шундай экстремал ҳолатлардан бемалол чиқиб кетиш учун кўникма шаклланди.

САФ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Ушбу шартда ҳарбий хизматчи аёлларнинг сафда юриш қоидаларига тўлиқ амал қилиши, қўшиқ айтиб қадам ташлаши каби омиллар инobatга олинди. Айниқса, ижро этилаётган қўшиқ матнининг ватанпарварликка йўғрилган, шижоатни оширадиган, янгилиги, муҳимлиги, хушоҳанглигига алоҳида эътибор берилди.

– Жамоамиз билан саф тайёргарлиги шартига янги қўшиқ тайёрладик. Сафда юриш қоидалари фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун асосий урғуни қўшиқ ижроси ва оҳангига қаратдик. Саф қўшиғимиз мутахассислар томонидан муносиб баҳоланди, – дейди кичик сержант Шахло Нормуродова. – Мусобақанинг қолган шартларида ҳам муносиб иштирок этдик. Ҳарбий хизмат жамоа деган тамойилларга асосланганлиги учун биз ҳамкасбларим билан бир-биримизни яхши тушунган ҳолда бирлаша олдик. Натижа ҳам ёмон эмас. Биринчи бора ташкиллаштирилган ушбу танлов барчага бирдек манзур бўлди.

Мусобақа якунига кўра, Мудофаа вазирлигига қарашли қўмондонлик ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти жамоалари 3-ўринни, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ жамоасининг 2-ўринни, Тошкент ҳарбий округи жамоаси эса фахрли 1-ўринни кўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларни Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси бошлиғи полковник Раҳматилла Раҳмонов тақдирлади.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



ҲАРБӢЙ ОБЪЕКТЛАР ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁР

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудлари одатда қишда жуда совуқ об-ҳаво шароити билан ажралиб туради. Шу боис бу ерларда қиш мавсумига тайёргарлик ишларига анча жиддий ёндашилади.



Нукус гарнизонида ҳам ушбу мавсумга шайлик анча олдин, яъни ёз ойларидан бошланиб, 1-сонли ҳарбий шаҳарчадаги хизмат уйлари ва ҳудуддаги умумтаълим ва мактабгача таълим ташкилотлари, ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа ижтимоий объектларда яшайдиган, хизмат қиладиган ҳарбий хизматчиларни қишнинг қаҳратон совуғидан асраш мақсадида мавсумий ишлар якунига етди.

Жумладан, мазкур ишларга масъул бўлган Нукус ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисми мутахассислари томонидан гарнизондаги Марказий қозонхонада ДЕ 25/14 ГМ русумли икки барабанли табиий циркуляцияли 4 та қозон мажмуаларидан 3 таси айти вақтда фойдаланишга шай ҳолатга

келтирилди. Жорий йилда капитал таъмирдан чиққан битта буғ қозон мажмуаси эвазига бу йил ҳам қишки мавсумда белгиланган ҳудудда иссиқликни таъминлаш имконияти яратилди. Мавжуд буғ қозонларининг қўшимча ускуналари зарур асбоб-ускуналар ўрнатилди. Яна битта қозонда кейинги йил қишки мавсум бошлангунига қадар капитал таъмирлаш ишлари якунланиши режалаштирилган.

Қолаверса, ҳарбий шаҳарчани ичимлик суви билан таъминлайдиган бош сув насос станциясининг фаолиятини узлуксиз таъминлаш мақсадида 2 донга Д 320-50 русумли насос агрегатлари харид қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Иситиш мавсумида ҳарбий шаҳарчадаги объектларда электр

токи билан таъминотда узилишларнинг олдини олиш мақсадида соҳа мутахассислари томонидан газ тақсимлаш пунктлари ва трансформаторларга техник хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилиб, ҳудудга 100 дан ортиқ тежамкор ёритиш чироклари ва минг метр юқори қувватда ишлайдиган кабель ўрнатилди. Шунингдек, 1,5 км ораликдаги Д=250 ва Д=500 мм.ли катта босимдаги канализация қувурлари янгисига алмаштирилди. Амалга оширилган ишлар, албатта, ҳарбий хизматчиларнинг хавфсиз хизмат олиб боришлари ҳамда оилалари билан истиқомат қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш учун муҳимдир.

Шунингдек, иситиш мавсумига барча объектларда тайёргарлик

ишларини синовдан ўтказиш учун қозонхоналарда назорат ўт ёқиш орқали қозон ва қувурларнинг соз ва шайлиги кўриги ўтказилди. Қишки мавсумда иситиш ускуналарининг доимий фаолиятини назорат қилиш учун мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ҳамда иситиш тизимида муаммоларни ҳал этиш учун авария-тиклаш гуруҳи тузилган. Уларнинг асосий мақсади – ҳарбий шаҳарча ва ундаги объектларда қиш мавсумида ҳаво ҳарорати пасайишининг олдини олиш ва носозликлар юзага келган тақдирда уларни зудлик билан бартараф этишдан иборат.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

Keling, kitob o'qiymiz!



«МАНГЛАЙДАГИ ЁЗИҚ»

Бу китоб олис хотираларни уйғотиб юборади. Онам, момом бир бошқача суҳбатлашардилар. Гап-сўзлари мақоллар билан безакли эди. У безакларни баъзи асарлардагина кўриб қоламан. Айниқса, адиб Қўчқор Норқобил асарларида бу безаклар ўзининг ҳадди аълосига етган. Айни шу лаҳзаларда ёзувчининг асарларидан ҳали бирортасини ҳам ўқувчиларимизга тавсия қилмаганимиз ёдимга тушди. Асли унинг асарлари ўқувчиларга таниш, биз шунчаки уларни эслатиб турамиз.

Бугун Маъмура Зоҳидованинг «Манглайдаги ёзиқ» қиссалар китобини тавсия қиламиз. Ўйлаб кўрсам, менинг гап-сўзларим мақоллардан хийла холи экан. Албатта, буни ёмон томони йўқ, аммо ўрнига тушадиган халқ мақоли ва иборалари барибир бошқача-да! Юқорида айтганимдек, онамнинг ҳар бир вазиятга бир мақоллари бор эди-да. Баъзан опа-сингиллар уларни хотирлаганимизда, «ким кўпроқ онамизнинг мақолларини эслайди», деб айримларини такрорлаймиз.

Авваллари келин ёки кўвни кўриш ҳозиргидек «арзон» эмас эди. Ёдимда, қишлоқнинг олди қизларидан бирини бошқа туманга узатдилар. Онам тўйдан қайтганларидан кейин опаларим қизиқиб сўрадилар: «Ояжон, кўеви қанақа экан?» Жавобни эшитинг: «Ҳа-аа, «ит чайнаган ошиқ»дек бир игит (йигит). Давлатига учгандир-да, сириқдай қизини берибди. Ҳали у давлат унга насиб этгичми, этмагичми? Насиб этса, келар Шому Ироқдин, Насиб этмаса кетар қошу қабоқдин...»

Энди тасаввур қилинг, ошиқ ўзи қандай бўлади? Тасаввур қилдингиз-а? Энди ўша ошиқнинг ит томонидан чайналган ҳолатини кўз олдингизга келтиринг. Хулоса ўзингиздан. «Сириқ» сўзи шевада гўзал, кетворган, мукамал маъноларида келади, адабий тилда ҳеч учратмадим. Кейинги икки мисра барчага таниш, менимча.

Биз Маъмура Зоҳидова қиссалари ҳақида сўзламоқчи эдик. Балки, сиз мени нима ҳақида сўз айтмоқчи эканини унутди, дея ўйлаётгандирсиз. Асло унутганим йўқ. Айнан унинг асари онамнинг ширали, баъзан аччиқ тилини ёдимга солди. Мутолаадан аввал бу севги қиссаси бўлса керак деб ўйладим. Чунки «Бойчечак» кўклам билан, кўклам севги би-



лан уйғун-да. Аммо... ўқиганим қайғули бир қисса. Севги ҳам бор, бироқ ҳаётнинг ўзи каби қайғуси мўлроқ экан.

«Бойчечак»дан **Ўқиймиз:** «Ўша паст деворли ҳовли бутун дунёдан кенг эди. Унинг эски ҳовли саҳнида айланадиган тасаввурлари ҳозирги ўчоқхонадан бошланиб кетарди. Негаки, ўчоқ ҳозир ҳам жойида турибди. Уни бувиси бузишига қўймай опқолган: «Қўй, исли ўчоғим – ризқли ўчоғим».

У ҳамон йўл кечиб юриб борарди. Йўл – йўл эди. Ортадагиси ортада қолган эди. Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади».

«Бойчечак» Турғун муаллим ҳақида. Сизга муаллимни таништиргим бор. Аммо унинг муаллим эканлигининг ўзиёқ кўп нарсаларни англади. Унинг бувиси билан суҳбатлари ғаройиб-да. Баайни зарбулмасал дейсиз.

Ўқиймиз: «...кампир сўзлай туриб, сўри тагидаги ариқчада қўл чайди. Бошидан сирғалаётган рўмолини қўли учига тортар экан, ийманиб, набираси томонга ўгирилди. Унинг бошқа ёққа қараб турганини кўриб, рўмолини шошқин ечиб, қайта ўради. – Мени кўнглим топади. Акангнинг феъл-хўйи яхши. Ҳозир илгариги оқибат

қоптими? Ҳамма ўз кўмочига кул тортади.

– Ишлариям бошидан ошиб ётибди.

– Секин айтасанми. Умринг узок бўлгур, ишини тигнаб қиладиган чикди-да. Бунақа ўқишни битирган ёшлар ҳозир давлатига дам беради. Бошлиғи бўшаб кетиб, битта хотин киши келганмиш-ку. Жиринкоз (баджаҳл, феъли тор) гинами дейман, тиндирмади-я. Хотиндан оқсоқол чиқса, эчкини икки қирқтираркан».

Қиссадан парчалар келтириш билан сизга унинг бор тароватини етказиб беролмайман. Шунчаки ўзингиз ўқиб кўринг. Тилимизнинг бойлиги, жилвагарлиги унда ўзининг бетакрор гўзаллиги билан акс этган. Баъзан ўзбек адабиётида салмоқли, ўқишли асарлар йўқ, деган даъволарни эшитаман, ўқийман. Мен бу даъволарга ишонмайман, бу даъво ўқимас одамларнинг даъвоси.

Қиссани ўқир эканман, нега номи «Бойчечак» экан, деб ўйладим. Муаллим билан бойчечакни нима боғлар экан? Буни асарни ўқиш жараёнида билиб оласиз.

Ўқиймиз: «Катта йўлнинг нариги юзидаги мактабда чалинган қўнғироқ ҳар гал унинг юрагини дукурлатарди.

Тушлик маҳали Толик лақабли бу йигит дастурхонга мактаб эшиги кўринадиган томонда ўтирар, ўқувчиларнинг гурас-гурас чиқишларини кузатарди. Уларни ўғилми, қизми, кимларгадир ўхшатиб юборар, кўзлари жавдирар, хўрсинар, баъзан қўлидаги косасини ҳам унутиб қўярди».

Ох-ҳх, бу интизорлик, соғинч... У муаллим эди, у айнан шу касб учун яралган эди, асли. Аммо ҳаёт орзуларинг, эзгу ниятларинг, севги тўла қалбинг билан кўп-да ҳам ҳисоблашиб ўтирмайди.

«Садоқат» қиссасининг аввалида шундай бағишловни ўқиймиз: «Ўз садоқати ва фаҳм-фаросати билан кўпларни, жумладан, мени лол қолдирган ит – Қоплон хотирасига ва садоқатли барча итларга ҳурмат билан бағишлайман».

Ҳайратланарли. Ғаройиб бағишлов. Бу сизни китобни варақлаб кўришга ундайди.

Ўқиймиз: «Боғнинг этагига яқин жойдаги катта олма дарахтига арқонни иргитиб, сиртмоқ тайёрлади.

Бунақа сиртмоқни Атовой аканинг боғида ити касал бўлганда «Қутурди», деб арқонга осибганида кўргандим. Ити Бўрибосар роса қийналиб, хириллаб ўлган эди.

Мен Шоҳиданинг халатидан судраб, уни қоронғиликдан уйга қайтармоқчи бўлдим. Барибир фойдаси бўлмади. У ҳув авваллари ўзи ўтириб олиб пиёз, сабзи тўғрайдиган ўриндиғига яланг оёқларини қўйиб, сиртмоққа қўл юборди. Мен уйга қараб чопдим. Мусиқа овози эшитилиб турган кичик акасининг деразаси ёнига бориб, овозимнинг борица вовулладим. Эшик олдида оқ кроссовка турарди.

Деразадан оқ шим билан оқ жемпер кийган акаси Ихтиёр қаради-да, итга муштини дўлайтириб, яна ўтириб олди.

Мен ўзимни эшикка урдим. Фойдаси бўлмади. Деразага ташландим. Ихтиёр ташқарига чикди. Тинмай вовуллаб турган бўлсам ҳам. Аввал Шоҳида кириб кетадиган уйнинг эшиги пойгагига қаради. Кейин менга «Йўқол», деб эски ботинкани отиб юборди.. Мен чап бериб, яна унинг юзига қараб вовуллавердим.

Мен уйнинг бекаси билан хўжайини ётадиган эшикка ўзимни урдим. Кейин Шоҳиданинг олдида чопдим».

«Садоқат» ҳақида шу парчанинг ўзи етарлидир. Зўкко ўқувчиларимиз нима демоқчи бўлганимни англадилар, деган умиддаман.

Нихоят, яна бир қисса «Манглайдаги ёзиқ». Аёл олами, аёл дардлари, изтироблари чизилган асар.

Ўқиймиз: «Юлдуз, мени кечир! Балки, сен мендан ўч олиш учун тирилиб келдингми? Уликлар ичида йўқмисан шунда?

Сендан кейин кун кўрдими? Қайси кунни айтай? Кечаси тушларим бузилганида додлаганим учун ўлмаснинг ижирғаниб қарашларини, тонгдан қовоқ-тумшук қилишиними? Топган-тутганига ёш хотинига уй олиб берганимими? Ундан ҳам иккита болали бўлиб олганимими?.. Эримнинг менинг ертўладалигимдан беҳабар, уйда йўқ деб ўйлаб, телефонда «Нега сени эртароқ учратмаганман-а?! Менга қанчалик қийинлигини биласанми?» деб ёш хотинига вояйло қилганлари кунимми? Эримнинг мени ҳеч нарсани билмайди, деб неча йил сурган даврониними ё ўзимнинг ҳамма нарсадан хабардорлигимни қанча вақт яшириб, олов ичида юрганимими?»

Бу асарни парчаларга бўлиб тушунтириб бўлмайди. Уни ўқиш керак. Бу бир парча холос. Мен «Манглайдаги ёзиқ»нинг оддий ўқувчиси. Китобдаги уч қиссани севдим ва сизга ҳам илиндим.

Ҳузурли мутолаалар тилаги билан

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

Buni bilasizmi?

OMMAVIY QIRG'IN QUROLLARI (OQQ) – JUDA KATTA SHIKASTLOVCHI XUSUSIYATGA EGA BO'LGAN QUROL BO'LIB, U OMMAVIY RAVISHDA QIRG'IN KELITIRISH VA VAYRONAGA AYLANTIRISH UCHUN QO'LLANILADI. OQQGA YADROVIY, KIMYOVIY, BIOLOGIK VA YANGI FIZIKAVIY TAMOYILLARGA ASOSLANGAN QUROLLAR KIRADI.

OMMAVIY QIRG'IN QUROLLARI

VA ULARDAN HIMOYALANISH YO'LLARI

Yadro quroli – portlab yalpi yakson etuvchi qurol bo'lib, u yadroning ichki energiyasidan foydalanishga asoslangan. Bu energiya uran va plutonning ba'zi bir og'ir yadrolarini zanjirli reaksiya jarayonida bo'linishidan ajrab chiqadi.

Yadroviy qurol har xil portlovchi modda shaklida bo'lishi mumkin: torpeda va raketaning jangovar qismi, aviatsiya bombasi, artilleriya snaryadi, minalar va h.k. Yadroviy portlovchi moddalar raketa, aviatsiya, artilleriya va minalar vositasida qo'llaniladi. Yadro qurolini nishonga yetkazish asosiy vositasi raketa hisoblanadi.

Chet el armiyalarida operativ-taktik va strategik raketalar bor; operativ taktik raketalar uchish masofasi 500 km.dan 1 800 km.gacha, strategik raketalar uchish masofasi 4 000 – 15 000 km.ni tashkil qiladi. Bundan tashqari qit'alararo ballistik raketalar (QBR) bor, ularning uchish masofasi 13 000 km.ni tashkil etadi.

Yadro portlashining yakson qilish qobiliyati portlash turi va uning quvvatiga bog'liq. Qanday vazifa bajarishiga qarab, yadro quroli havoda, yer ustida, yer ostida, suv ustida, suv ostida, koinotda, stratosferada portlatilishi mumkin.

Yadroviy qurollarning shikastlovchi omillari quyidagilardan iborat:

- portlash yoki zarba to'liqini;
- yorug'lik nurlanishi;
- o'tuvchan radiatsiya, joylarning radiofaol moddalar bilan zararlanishi;
- elektromagnit impuls.

Portlash (zarba) to'liqini portlash markazidan har tomonga tovush tezligidan ham katta tezlikda tarqaladigan, juda katta bosimdagi siqilgan havo zonasidan iborat. Zarba to'liqini dastlabki 1 000 metrni 2 soniyada, 2 000 metrni 5 soniyada, 3 000 metrni 8 soniyada bosib o'tadi, shu vaqt orasida odamlar osmonda yorug'lik shu'lasini ko'rish bilan yashirinlashga ulgurishi va zarba to'liqini shikastlanishidan saqlanib qolishi mumkin. Zarba to'liqini yadroviy portlash vaqtidagi asosiy shikastlanuvchi omil bo'lib hisoblanadi va jami portlash energiyasining taxminan 50 foizi shu omilga to'g'ri keladi.

Zarba to'liqini shaxsiy tarkibni, harbiy texnika vositalari, qurollarni, fortifikatsion

inshootlar, harbiy mol-mulklarni shikastlaydi va ko'p vayronagarchiliklarni keltirib chiqaradi. Shaxsiy tarkib zarba to'liqinidan bevosita yoki bilvosita, ya'ni imoratlardan tushgan narsalar, daraxtlarni sinib yoki ag'anab tushishi va boshqalardan zarar ko'rish mumkin. Shikastlanishning asosiy sababi zarba to'liqini ta'sirida havo bosimining keskin oshib ketishidir, buning ta'sirida odamning turlicha mexanik jarohatlanishi: tomir va to'qimalarning uzilishi, suyaklar sinishi, quloq pardasi yirtilishi va boshqalar kuzatiladi. Zarba to'liqinidan saqlanish uchun turli xil pana joylar, transheya, xandaqlar, chuqurliklar va boshqa yashirin joylardan foydalaniladi, chunki ular zarba to'liqini ta'sirini 3-10 barobar kamaytiradi.

Yorug'lik nurlanishi – yadroviy portlashdan hosil bo'lgan shardan chiqadigan va nihoyat darajada ko'p kuydiruvchi issiqlik energiyasi tarqatadigan yorug'lik nuri oqimidan iborat. Yadroviy portlash jami energiyasining taxminan 35 foizi yorug'lik nurlanishiga to'g'ri keladi. Yorug'lik nuri tarqalishi 8-15 soniya davom etadi, bu nur faqat to'g'ri yo'nalishda tarqaladi. Shaffof bo'lmagan har qanday to'siq yorug'lik nurlanish ta'siridan saqlab qoladi. Yorug'lik nurlanishi katta masofalarga bir lahzada tarqalib, turli ashyolarni eritish, yondirish, himoyalalmagan odamlar va hayvonlarni terisini turli darajada kuydirish, ko'zni zararlash, o'rmonlar va aholi yashaydigan punktlarda yong'in chiqarish xususiyatiga ega.

O'tuvchan radiatsiya – portlashda chiqadigan ko'rinmas va sezilmas gamma nurlar hamda neytronlar oqimidan iborat. Yadroviy portlash sodir bo'lgandan 15-20 soniya o'tgach, nurlarning juda kuchli oqimi tarqaladi, o'tuvchi radiatsiyadan saqlanish uchun pana joylar va inshootlardan foydalaniladi. Himoya qiluvchi vositalarning zichligi qancha yuqori bo'lsa, u uzida nurlarni shuncha ko'p tutib qoladi, masalan, dalada qurilgan pana joylarning usti 112-140 sm qalinlikdagi tuproq bilan yopilgan bo'lishi kerak. O'tuvchan radiatsiya tirik to'qimalar molekulalarini ionlantirib, organizmni hayotiy faoliyatini buzadi va kishini turli darajadagi nur kasalligiga yo'liqtiradi, halok etishi mumkin.

Nur kasalligi og'irligi va kechishiga qarab o'tkir, surunkali, yengil, og'ir va o'ta og'ir turlarga bo'linadi. Tirik to'qimalarning nurlanish birligi qilib grey (Gr) olingan. O'tkir nur kasalligining klinik ko'rinishi va o'tishini to'rt bosqichga ajratish qabul qilingan: 1-2 Gr nurlanish olganda yengil, 2-4 Gr o'rta, 4-6 Gr og'ir va 6 Gr.dan yuqori o'ta og'ir. Odam o'ta katta dozali nurlanish olganda o'tkir nur kasalligining toksemik va serebral turi rivojlanadi, bunda nurlangan odam bir necha soat, ba'zan bir kundan so'ng halok bo'ladi. Odam 20 Gr va undan yuqori dozada nurlanish olsa, qon yaratuvchi a'zolaridan tashqari ichak epiteliysi ham shikastlanadi va vafot etadi.

O'tkir nur kasalligining o'ziga xos tomonlaridan biri uning davriy kechishidir. Bunda to'rt davr farqlanadi: boshlang'ich yoki nurlanishga nisbatan organizmning birlamchi reaksiya davri, yashirin davr yoki klinik jihatdan xotirjamlik davri, avjlangan davr yoki kasallikning barcha belgilari yuzaga chiqadigan davr, tuzalish davri.

Yadroviy portlash natijasida hosil bo'lgan ko'p miqdordagi radiofaol moddalar havo oqimiga ergashib portlash markazidan o'nlab, yuzlab kilometr masofaga tarqaladi. Bu oqim turarjoylar, suv manbalari, qishloq xo'jaligi mahsulotlari va boshqa narsalarni zararlaydi.

Elektromagnit impuls va ikkilamchi zararlovchi omillar. Yadroviy zaryadlarning portlashi natijasida havoning ionlashishi kuzatiladi, hosil bo'lgan elektronlarning yuqori tezlikdagi harakati tufayli elektromagnit maydoni paydo bo'ladi. Buning natijasida elektromagnit zaryad tok hosil bo'ladi. Atmosferada paydo bo'lgan elektromagnit impuls chaqmoq singari tarqalgan holda antennalarda, kabellarda, elektr uzatish tarmoqlarida va simlarda yuqori kuchlanishga ega bo'lgan tok hosil qiladi. Elektromagnit impulsning shikastlovchi ta'siri bir necha kilometr uzoqlikda kuzatiladi.

Hosil bo'lgan tok avtomat o'chirish moslamalari ishini izdan chiqaradi, radioapparatlar, elektr asboblari va boshqalarning buzilishini keltirib chiqaradi, buning natijasida shu asboblari

bilan ishlayotgan odamlar elektr tokidan shikastlanishi mumkin. Hosil bo'lgan elektromagnit impulslarda himoyalaniish uchun asboblarni himoyalash kerak bo'ladi. Barcha elektr uzatish tarmoqlari ikki qavatli simdan iborat bo'lishi va ular yaxshi izolyatsiyalanishi kerak.

OMMAVIY QIRG'IN QUROLLARIDAN HIMOYA QILISH VOSITALARI

Shaxsiy himoya vositalari filtrllovchi va ajratuvchi gazniqoblar, respiratorlar va terini himoyalovchi vositalar – himoyalovchi kompleks kiyimlar, kostyumlar, kombinezon va boshqalarga bo'linadi. Bularning barchasi nafas a'zolarini, ko'z va teri qavatini radiofaol, zaharlovchi moddalar va biologik vositalar ta'siridan saqlaydi.

Ularning hammasi o'zining himoyalash xususiyatiga ko'ra filtrllovchi va ajratuvchilarga bo'linadi. Filtrllovchi vositalarning himoyalash xususiyati havoni himoyalovchi materiallar orqali o'tkazishga asoslangan bo'lib, unda havo radiofaol, zaharlovchi moddalar va biologik vositalardan tozalanadi. Ajratuvchi vositalarning himoyalash xususiyati odam organizmini tashqi muhitdan to'liq ajratishga qaratilgan bo'ladi.

Foydalanishiga ko'ra, hamma himoyalovchi vositalar – umumqo'shin, maxsus, fuqarolar uchun mo'ljallangan va sanoatda qo'llaniladigan vositalarga bo'linadi. **Jamoaviy himoya vositalariga** radiofaol, zaharlovchi moddalar va biologik vositalardan himoyalovchi maxsus jihozlangan muhandislik inshootlar va obyektlar kiradi. Ushbu inshootlar odamlarni yadroviy qurol, zaharlovchi moddalar va biologik vositalar hamda oddiy qurollar ta'siridan himoya qilishda mo'ljallangan. Jamoaviy himoya vositalari odamlarni OQQ ta'siridan to'liq saqlaydi.

**Tibbiy xizmat mayori
M. YARALOVA,
QK xizmatchisi M. IMOMALIYEV,
Mudofaa vazirligi Sanitariya-
epidemiologiya nazorati markazi
mutaxassislari**

Taqdimot

Қаерда уруш аталмиш зулм ва вешафқатлик, вайронгарчилик вор экан, жабрини аёллар ва болалар тенгма-тенг тортади. Хатто уруш қурбонларига айланади. Аёл – нозик хилқат. Аммо Аллоҳ томонидан илқиға яратувчанлик, яъни фарзанд дунёға келтириш, авлодлар давомийлигини асрашдек заҳматли масъулият юклатилганки, бу унинг мукаррамлигидан далолат. Шундай экан, аёлни миллат таянчи сифатида асраш зарур. Бироқ...

«АЁЛ ҚИСМАТИ»НИНГ АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Майор Анвар Абдуллаев ғояси ва сценарийси асосида режиссёр Дилмурод Масайдов томонидан суратга олинган «Аёл қисмати» бадиий фильми алданган, хўрланган хотин-қизлар қисматидан сўзлайди.

Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Кинематография агентлиги билан ҳамкорликда суратга олинган ушбу фильмда 2019 йилнинг май ойида «Меҳр» операцияси доирасида Сурия Республикасидан юртимизга олиб келинган аёллардан бирининг аянчли тақдири ёритилган. Шунингдек, фильмда қочоклар лагеридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан, аёллар ва болаларни юртимизга қайтариш билан боғлиқ воқеалар акс эттирилган.

«Аёл қисмати»да террорчи гуруҳларга қўшилиб кетган акалари сабаб икки боласи билан Покистон, Сурия ва Ироқ ҳудудларига бориб қолган ўзбек аёлининг бошидан кечирганлари жонли лавҳаларда томошабинга етказилган. Эрининг ёш ўлими, портлаш сабаб кўз олдида вужуди парчаланиб кетган икки



нафар ўғлининг фожиаси ва жонини асраш учун бир неча бор мажбуран турмушга чиқиши, ўлим шарпаси остида бошидан кечирган воқеалар сизни бефарқ қолдирмайди. Энг асосийси, фильм ғоясига сингдирилган «жиҳод», «ҳижрат» ва «шаҳидлик» тушунчаларини ўз манфаати йўлида бузиб кўрсатаётган террорчи ташкилот етакчиларининг разиллиги, манфур кимсаларга алданган ёш йигитлар ва аёлларнинг аянчли қисмати ҳар қандай инсонни ўйлашга, тўғри йўл танлашга ундайди.

Ўз ролини қойилмақом қилиб ижро этган таниқли актриса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шодиеванинг ҳар бир ҳаракатида: хўрликлар остидаги маъносига, кичик ўғлини жанглари ичида йўқотиб қўйгандаги телбаларча фарёди, уни топгандаги қувончи, юртга қайтгандаги шукроналик кўз ёшларида бир ҳақиқатни англайсиз. Яъни юртимиздаги тинч ҳаёт, хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, дориламон кунларнинг қадрига етиш ва бу мислсиз бахтни асраш.



Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида ўтказилган тақдимотда фильм режиссёри, сценарий муаллифи, актёрлар жамоаси, Ўзбекистон Кинематография агентлигидан масъул ходимлар, бош роль ижрочиси Раъно Шодиеванинг турмуш ўртоғи ва ўғли иштирок этди.

Таъдбирда сўз олган таниқли адабиётшунос ва кинотанқидчи Шухрат

Ризаев фильм ва уни суратга олиш билан боғлиқ воқеалар тўғрисида гапириб ўтди. «Аёл қисмати»даги жанг лавҳаларининг тўлақонли ёритилишида Мудофаа вазирлиги томонидан кўрсатилган катта ёрдам ҳақида алоҳида тўхталиб, ўз миннатдорлигини билдирди. Вазирлик жамоасига диплом ва совғалар топширди.

Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев фильмнинг долзарблиги, фуқароларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикр билдирди ва ижодкорларга диплом ва совғалар тақдим этди.

Фильм тақдиротида сўз олганларнинг барчаси ўзбек киносига дунё нигоҳига тақдим этса бўладиган яна бир киноасар яратилганидан хурсанд эканликларини таъкидлаб ўтишди.

«Аёл қадри» фильми кино мухлисларига ҳавола этилар экан, уларнинг нигоҳидаги аччиқ қисмат талқини, кўзларида қалқиган ёш фильмдаги аёл қисмати ва алданган инсонлар тақдири ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмаслигига амин бўлди.

Зулфия ЮНУСОВА

Millat ko'z'gusi

MILLIY O'ZLIGIMIZ TIMSOLI

1989-yil 21-oktabr kuni "Davlat tili haqida"gi qonun qabul qilinib, o'zbek tiliga Davlat tili maqomi berildi. Xalqimizning muqaddas qadriyatlaridan biri bo'lgan ona tilimiz o'zining qonuniy maqomi va himoyasiga ega bo'ldi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida ham Davlat tilining maqomi huquqiy jihatdan mustahkamlab qo'yildi. Shu tariqa o'zbek tili davlatimizning bayrog'i, gerbi, madhiyasi kabi qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas davlat ramzlari qatori e'zoz va ehtiromga sazovor bo'ldi.

Keyingi yillarda Davlat tilining ijtimoiy hayotda tutgan mavqei yanada mustahkamlash maqsadida bir qator ishlar olib borilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-oktabrdagi farmoni bilan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi apparatining tarkibiy bo'linmasi hisoblangan



Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashkil qilindi. Bundan ko'zlangan maqsad Davlat tilini rivojlantirish, uning amal qilishi bilan bog'liq muammolarni aniqlash va bartaraf etish bo'yicha takliflar tayyorlash, o'zbek tilining yozma matni me'yor va qoidalarini ishlab chiqishdan iborat.

Davlat tilini rivojlantirish faqat tilshunoslar, shoir yoki yozuvchilarning ishi emas, balki mana shu yurtda yashab, shu yurtning havosini simirib, suvini ichib, tuzini



tatib yashayotgan har bir insonning vazifasi hisoblanadi. Oddiy dehqon bo'laylik yoki quruvchi, qaysi soha vakili bo'lishimizdan qat'i nazar, davlat tilining rivoji uchun hissa qo'shish shu Vatan, shu xalqqa bo'lgan farzandlik burchimizdir.

Xo'sh, bu nimadan boshlanadi?! Ona tilimizga hurmat birinchi galda unga e'tibor

va ehtiromdan boshlanadi. Xalqimizda o'ynab gapirsang ham, o'ylab gapir degan maqol bor. Endi buni tashqi yozuvlarga tatbiq etadigan bo'lsak: o'ynab yozsang ham, o'ylab yoz! Rosti, bugun bino va imoratlarimiz yuzidagi peshlavhalarga boqsak, ona tilimizga qanchalar befarq ekanligimizni anglaymiz. Ularni tartibga keltirish uchun bugun qanchalab maslahatchilar joylarda ish olib borib, tadbirkorlarga, aholiga peshlavhalar, axborot matnlari va e'lonlarni tartibga keltirish borasida tavsiyalar, amaliy yordamlar bermoqdalar.

Taassufki, ayrim yurtdoshlarimiz o'zbekistonlik, shu yurt fuqarosi bo'la turib, bu boradagi islohotlarga panja ortidan qaramoqdalar. Go'yoki bu ishlarga ularning aloqasi yo'q, xuddiki ular chet el fuqarosidek! Shu o'rinda ko'plab yurtdoshlarimizga, tadbirkorlarga ham minnatdorlik bildirish lozim. Ularga davlat tili borasidagi ilk tavsiyaning o'ziyoq yetarli bo'lib, ertasiga o'ziga tegishli bino, do'kon, savdo shoxobchasining peshlavhasiga davlat tilida bitilgan chiroyli matnlarni joylashtirmoqdalar.

Hozirgi kunda Yangi O'zbekistonni barpo etishga qaratilgan ezgu intilish va harakatlarimiz hal qiluvchi bosqichga ko'tarilmoqda. Bu yo'lda milliy o'zligimiz, g'urur-iftixorimiz timsoli bo'lgan ona tilimiz, hech shubhasiz, beqiyos kuch-qudrat va ilhom manbai bo'lib xizmat qiladi.

Saidakmal MAMASOLIYEV,
TDYU qoshidagi
akademik litsey o'quvchisi

БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ташавбуси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаларининг амалий кўмаги билан Мудофаа вазирлиги тизимида анча йил ҳарбий хизматни ўтаб, ҳозирги пайтда Қуролли Кучлар фахрийлари сафида умргузаронлик қилаётган қорақалпоғистонлик ва хоразмлик ҳарбий пенсионерлар учун мазмунли ва таассуротларга бой саёҳатлар ташкил этилди.

Икки кунлик саёҳат режасига кўра, қорақалпоғистонлик бир гуруҳ фахрийлар минг асрлик тарихга бой, ўтмиши ва бугуни гўзал бўлмиш Хива ва кўҳна Урганч шаҳарларига экскурсияга бориб келишди.

Эрта тонгдан йўлга отланган фахрийлар, даставвал Урганч гарнизонига қарашли Шовот туманидаги замонавий инфратузилма асосида таъмирланган са-

фарбарлик чақируви резерви батальони билан танишди. Юрт ҳимоячиларининг жанговар тайёр-гарлик машғулотларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ҳарбий хизматчилар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бунёд этилган «Янги-ариқ» умумқўшин полигонига фахрийлар, туман ёшлари иштирокида ватанпарварлик ғояларига йўғрилган самимий суҳбат ташкил этилди.

Мустақиллик байрами арафасида Урганч шаҳри марказида очилган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси бўйлаб саёҳат фахрийларда унутилмас таассурот қолдирди. Ҳозирги кунга қадар бутунлигича сақланиб қолган ягона тарихий нодир обида-шаҳар Хивадаги Ичан қалъа мажмуасида тарих билан юзлашган фахрийларнинг қувончи чексиз бўлди. Узоқ ўтмишдан, ота-боболаримизнинг шону шавкатидан сўзлаган қадим қалъанинг ҳар бир меъморий обидаси ҳарбий устозларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлади.

Хоразмлик бир гуруҳ фахрийларнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб саёҳати ҳам таассуротларга бой ўтди. Археологик манзилгоҳлар ва қадим қалъалар билан таниқли қорақалпоқ элининг қоратоғлари бағридан жой олган Султон Увайс зи-

ёратгоҳидан бошланган экскурсия «Нукус» умумқўшин полигонига саёҳатга улашиб кетди. «Саҳродаги Оазис» истеъфодаги ҳарбийларга жудаям манзур бўлиб, дала-ўқув майдонидаги замонавий кўриниш, сўнгги йилларда Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотларнинг яққол намунаси экани эътироф этилди. Истеъфодаги подполковник Адамбай Жуманиязов полигондаги ўзгаришларни кўриб, таассуротлари ҳақида ўртоқлашаркан, шундай дейди:

– Замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам ва қулай шароитга эга бўлган ётоқхона, ошхона, ўқув бинолари, тиббиёт пункти, жанговар машғулотлар олиб боришга мўлжалланган ўқув нуқталари ҳамда спорт мажмуаси барпо этилган полигонни кўриб, очиғи ҳайрон қолдик. Бу каби ўзгаришлар миллий армиямизнинг янада юксалиши ва жаҳон арена-сида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

«Саҳродаги Лувр» номини олган И.В. Савицкий номидаги

Қорақалпоғистон давлат санъат музейи экспозициялари ҳамда Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказининг муҳташам кўриниш касб этиши ва ҳарбий округ тарихидан сўзловчи музей, Нукус гарнизони сафарбарлик чақируви резерви батальони ва Нукус ҳарбий госпиталидаги ўзгаришлар Хоразмдан ташриф буюрган меҳмонларни хушнуд этди. Музейлар экспозицияларидан ўрин олган фотолавҳалар орқали ҳарбий пенсионерлар ҳарбийлик фаолияти, дўсту сафдошлари, армия сафларида ўтган йилларини ёдга олишди.

Экспурсиялар чин маънода мазмунли ва янгиликларга бой бўлди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

Спорт

СПОРТУ

ВСЕ ВОЗРАСТЫ ПОКОРНЫ,
ГЛАВНОЕ – ЖЕЛАНИЕ

Сержант III степени Шиманфи Елена Демьяновна родилась 6 октября 1977 года в городе Ташкенте, в семье служащих. В 1994 году она закончила 11 классов средней школы №183, в 1997 году получила средне-специальное образование по специальности бухгалтер-экономист малого и среднего бизнеса.

В 2001 году Елена Шиманфи была зачислена в Пограничные войска. Любовь к спорту у Елены была с детства. Поэтому, в 2019 году она решила заняться бегом, для начала в спорт-зале при войсковой части. Отметив её успехи, начальник отдела боевой подготовки предложил ей попробовать себя в беге на уличных марафонах. Сначала она стеснялась, но всё-таки начала бегать в безлюдных местах. Заметив интерес и усердие Елены к бегу, ей предложили поучаствовать в скайранинге (бег по горам) на гору «Кунгурбука» – дистанция 3 км.

– Горы я люблю, но бегать по горам как-то не очень получалось, – говорит сама Елена. – Но я все-таки решилась и приняла участие. Тогда, в мае 2019 года я получила свою первую медаль финишера, ощущения были незабываемые. И я решила продолжить. Записалась в школу

бега «PRORUN» и начала заниматься. В 2019 году помимо забега «Кунгурбука», я успела поучаствовать еще в трех забегах, таких как скайранинг «Белдерсай» – дистанция 6 км, благотворительном забеге на дистанцию в 3 км, а главным моим достижением в 2019 году стало участие в 1-ом Международном Самаркандском по-

международного уровня – Ташкентский международный марафон – дистанция 10 км, полумарафон ШОС – дистанция 3 км, Международный Зааминский ультрамарафон – дистанция 10 км, 1-й Бухарский международный ночной забег – дистанция 5 км. Кроме того, в 2022 году мне удалось поучаствовать в забеге

лумарафоне на дистанцию 10 км, за участие в котором была поощрена ценным подарком.

В 2020 году, несмотря на пандемию, у меня получилось поучаствовать в шести забегах, три из которых благотворительные, а три – посвященные праздникам. В 2021 году вступила в беговое сообщество «Tashkent Runners», к ним может на тренировки прийти любой желающий и любящий бег. За 2021 год я участвовала в 8 забегах, 3 из них международного уровня: 3-й Ташкентский международный марафон – дистанция 3 км, 1-й международный Зааминский ультрамарафон – дистанция 10 км и международный Самаркандский полумарафон на дистанции 10 км.

Главным достижением 2021 года было участие именно в 1-ом международном Зааминском ультрамарафоне. Несмотря на травму колена, я не сошла с дистанции, и все таки финишировала. В 2022 году я уже участвовала в 9 забегах, 3 из них

между силовыми структурами «Men Golib», за участие в котором была поощрена ценным подарком.

Стоит отметить, что наша героиня очень втянулась в бег, с каждым забегом улучшает свои результаты, по возможности участвует во всех забегах оффлайн, в благотворительных и даже различных онлайн забегах. На счету Елены более 10 благотворительных и более 20 онлайн забегов. За 3,5 года она была удостоена более 50 медалей финишера по бегу, также можно отметить 2 медали по плаванию, одна из которых в масштабе СГБ Республики Узбекистан в 2022 году.

Сама Елена утверждает, что не собирается останавливаться, так как бегу все возрасты покорны, главное – желание. Сейчас она тренируется и стремится не просто бегать для удовольствия, а улучшать свои результаты, чтобы со временем перейти на более высокий уровень и пробежать свой полумарафон – 21,1 км, а если судьба распорядится, то и марафон – 42,2 км.

Davra suhbatlari

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ҳарбий жамоалардаги ахлоқий-руҳий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида шахсий таркиб билан мунтазам равишда машғулотлар, давра суҳбатлари ва профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Чегара қўшинлари қўмондонлиги марказий аппаратида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси Акмал Бобоназаров ва Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим катта терговчиси адлия полковниги Баҳром Жалолхожаев иштирокида ташкил этилган навбатдаги тадбирда ҳам 2022 йилнинг биринчи ярмида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар таҳлили, шунингдек, жорий йилда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари иштирокида содир этилган оғир оқибатли

МАЪНАВИЙ-
ПРОФИЛАКТИК
ТАДБИР

йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан сўз юритилди.

Мулоқот давомида қайд этилган жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, уларнинг содир этилишига имкон яратиш берган шарт-шароит ва омиллар соҳа ходимлари томонидан иштирокчиларга тушунтириб берилди ва ҳар бир ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари таъкидланиб, келгусида жиноятчилик ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Ўз навбатида, ҳарбий хизматчилар ҳам янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда йўл-ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.



Шу куни қўмондонлик ўқув режасига кўра, Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори Омонулла Бўриев иштирокида «XIII аср Шарқ давлатлари ҳарбий санъати намоёндалари Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти, ҳарбий фаолияти ва кўрсатган жасоратлари» мавзусида ўқув машғулоти ҳам ташкил этилди.

Машғулот давомида Омонулла Бўриев томонидан сарҳадларимиз посбонларига «Турон қоплони» дея эътироф этилган Жалолиддин Мангубердиннинг ҳарбий саркардалик маҳорати, шижоатию ҳарбий тақтикаси хусусида, шунингдек, қўшинини ҳар жиҳатдан руҳлантира олган қатъияти ва адолатли лашкарбоши экани ҳақида кўплаб янги маълумотлар сўзлаб берилди.

Mulohaza

Tabiat yer yuzidagi jamiki tirik mavjudot uchun muqaddas go'shadir. Tabiat ularni to'ydiradi, kiydiradi, issiq va sovuqdan asraydi.

O'z navbatida tirik mavjudot ham tabiatga mehr qo'yadi. Bu mehr tabiatni asrash, uning boyliklarini ko'paytirish tuyg'usi bilan uyg'unlasha olsagina haqiqiy sanaladi. O'rta asrlarda yashab ijod qilgan allomalar tabiat va undagi muvozanat, hayvonot olami va o'simliklar dunyosi, atrof-muhitni e'zozlash haqida qimmatli fikrlar aytganlar.

Muhammad Muso al-Xorazmiy risolalaridan birida odamlarni daryoga mehrli bo'lishga da'vat qiladi, agar daryoning ko'zlari yoshlansa, uning boshiga g'am-kulfat tushgan bo'ladi, deydi. Ehtimol, buyuk bobomiz daryo suvini ortiqcha isrof qilmaslikni ham nazarda tutgandir.

Abu Rayhon Beruniy esa tabiatning davomiyligi haqida shunday fikr aytadi: "Ekin ekish va nasl qoldirish bilan dunyo to'lib boraveradi". Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma" asarida ko'rgan-kechirganlari, borgan joylarining tabiati, boyligi, hayvonoti, o'simliklari va odamlari, xalqlarning urf-odatlarini tasvirlagan. Unda yer, suv, havo, turli tabiat hodisalariga tegishli ko'plab fikrlar bor. Bobur o'lkani bilgan kishilarni hurmat qilgan, qadrlagan va ular bilan hamisha maslahatlashgan. Ayniqsa, u gullar, manzarali hamda mevali daraxtlarni ko'paytirishga e'tibor bergan.

Ekologik madaniyat, albatta, ekologik bilim asosida shakllanadi va uning mazmuniga ekologik onglik, ekologik

EKOLOGIK MADANIYAT TUSHUNCHASI



his tuyg'ular (*tabiatga, insonlarga, hayotga nisbatan munosabatlar*) kiradi. Ekologik tarbiya oiladan boshlanadi. Ota-onamiz uyni, hovlini toza tutish, vaqtida shamollatish, gul va daraxtlarni, uy hayvonlarini parvarishlashga o'rgatadi. Ariq-zovurlar, tomorqalar tozalanadi. Bugungi kunda ommaviy axborot vositalari orqali, mahalla, ma'naviyat, tabiatni himoya qilish faollari tomonidan olib boriladigan targ'ibot va tushuntirish ishlari ham ekologik madaniyatni oshirishda muhim o'rin

tutmoqda. Bularning barchasi hayvonlar, o'simliklar — butun tabiat biz mansub bo'lgan tiriklik olamining bir bo'lagi, ular ham yashashga, o'zidan zurriyot qoldirishga haqli ekanini anglashga xizmat qiladi. Ana shu haqiqat ekologik madaniyatning mohiyatini tashkil etadi. Shu haqiqatni anglagan inson tabiatni asrashga intiladi, yovuz kimsalarni uning ustidan zo'ravonlik qilishiga yo'l qo'ymaslik uchun kurashadi.

Ekologik muammolar boshqa barcha muammolar singari insonning ichki dunyosi, uning ma'naviyatining darajasi bilan bog'liq bo'lib, inson ichki dunyosining tashqi dunyodagi aksi sifatida qaralishi kerak. Hozirgi ekologik ahvolning asosiy sababchisi insonning ichki muhiti, uning dunyoqarashi va idrok darajasidir. Tabiatdan foydalanishda insoniyat tabiat qonunlariga emas, aksincha, o'z manfaatlariga asoslanib faoliyat ko'rsatishi oqibatida tabiat va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarda mutanosiblik sezilarli darajada buzilgani, natijada dunyoning turli mintaqalarida suv toshqinlari, zilzilalar, o'rmon yong'inlari va boshqa shu kabi talafotlarning ro'y berayotgani hech kimga sir emas. Inson tabiiy muhitga ta'sir etar ekan, uning o'zi ham "aks ta'sir"ga duch kelmoqda.

Bularning barchasi endilikda inson va uning sog'lom tabiiy muhitda yashashiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Tabiatda ro'y berayotgan noxush hodisalar oqibatlarini bartaraf etish, bunday holatlarning oldini

olish hozirgi kunning dolzarb vazifalaridan biriga aylangan. Bu vazifalarni amalga oshirishda ekologik ta'lim-tarbiyaning, madaniyatning o'rni nihoyatda katta. Ekologik ta'lim-tarbiya, madaniyat dastavval oilada, mahallada, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida, maktabda, oliy o'quv yurtlarida shakllanadi.

Shu sababli O'zbekistonda yoshlar qatlamida ekologik madaniyatni shakllantirish borasida keng islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, Maktabgacha ta'lim vazirligi, "SVB Advisory" Britaniya — O'zbekiston barqaror rivojlanish kompaniyasi va "Hashar Week" ijtimoiy loyihasi bilan birgalikda O'zbekiston Respublikasining maktabgacha ta'lim tizimida ekologik ta'lim va tarbiyani joriy etish dasturini boshlashdi. Loyiha doirasida "Qiziqarli chiqindi" didaktik o'yinini va o'qitish metodikasini aprobatyasiyasi uchun Toshkent shahrining 13 ta maktabgacha ta'lim muassasasi tanlab olindi.

Ushbu ijtimoiy loyiha tomonidan maktabgacha yoshdagi bolalarni turli xildagi chiqindini saralashga, chiqindi bilan to'g'ri ishlashni o'rgatishga, shuningdek, kichik motorikani va verbal aql-zakovatini rivojlantirishga qaratilgan dastur ishlab chiqildi. Dastur 3 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan bolalarning yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda ishlab chiqilgan bo'lib, unda asosiy mezonlar vizual tasvir va amaliy faoliyat imkoniyatidan iboratdir. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida pedagog kadrlarining salohiyatini oshirish maqsadida 2020-yil dekabr oyida Toshkent shahridagi tanlab olingan 13 ta maktabgacha ta'lim tashkilotining 50 nafar tarbiyachisi uchun o'quv-seminarlari o'tkazildi. Tarbiyachilar maktabgacha yoshdagi bolalarning ekologik ta'limi doirasida xulq-atvor psixologiyasi texnikalariga o'qitildilar, "Qiziqarli chiqindi" dasturining o'qitish uslubini tanishdilar va barqaror rivojlanish sohasida bilim oldilar.

Axat JALILOV

Ochiq eshiklar kuni

КУЗЛАРДАГИ

Фаргона вилоятидаги ҳарбий қисмда «Аждодларга содиқмиз» мавзуида уч авлод учрашуви ва очик эшиклар кuni ўтказилди. Тадбирга Қуролли Кучлар фахрийлари ва Қува туманидаги 9- ва 26-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари жалб этилди.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, миллий армиямиз билан фахрланиш, унга бўлган ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳарбий касб нуфузини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбир кўтаринки руҳда бошланди.

Ёшлар энг аввало ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазма эса ўқувчи-ёшларнинг ҳарбий хизмат ҳақи-

ҲАВАС ЖИЛВАСИ



даги тасаввурларини янада бойитгани, шубҳасиз. Кўргазмада қурол-аслаҳалар, жанговар техника воситалари ҳамда кийим-кечаклар намойиш этилди.

Ҳа, қизиқувчанлик ёшларга хос жиҳат. Кўргазмага қўйилган қурол-аслаҳаларнинг қандай ишлатилиши, уни амалда қўллаш қоидалари ҳақида ҳар томондан тинимсиз савол ёғдираётган

ўғил-қизларнинг ҳеч бир саволлари жавобсиз қолмади. Кўргазма доирасида «Ватанпарвар» ташкилоти Қува тумани ўқув спорт-техника клубининг техникалари ва воситалари ҳам жалб қилинди.



Шу кuni Қуролли Кучлар фахрийлари ва ёшлар иштирокида уч авлод учрашуви ҳам ўтказилди.

Ҳаётини ҳарбийликдек шарафли касбга бағишлаган фахрийлар ёшлар билан дилдан суҳбат қураб экан, уларга ўз хизмат фаолиятлари билан боғлиқ хотираларини ҳикоя қилиб беришди. Шу аснода бугунги кунда Ватанимизда тинчлик ва осойишталикка қалқон бўлаётган ҳарбий касб эгаларининг фидойи хизматлари ўз эътирофини топаётганидан, кейинги йилларда мамлакатимиз ёшлари ўртасида ҳарбийлик касбига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан жуда мамнун эканликларини изҳор этишди. Шунингдек, улар миллий армиямизда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга яратилган имкониятлар, имтиёзлар тўғрисида, муборак истиқлол, юртимизнинг файзли кунлари, буюк келажаги ҳақида ҳам

тўлқинланиб сўзладилар.

Сермазмун ва таассуротларга бой ўтган бу кун кўплаб ўғил-қизлар қалбида ҳарбийлик касбига ҳавас ва иштиёқни оширгани билан аҳамиятли бўлди.

III даражали сержант
Бобомурод НУРАТОВ

Turmush chorrahasi

– Ойижон, дадам хизматдан қайтдимми? Маҳорат лицейдан кела солиб отасини сўраган қизи Чароснинг шодон чеҳрасидан беихтиёр нигоҳини олиб қочди ва:

– Йўқ, келмади, – дея жавобини қисқа қилди.

– Нега? Ахир кеча ўзингиз «даданг навбатчиликда қолган. Эртага тушга яқин келади», дегандингиз-ку?

– Қизим, дадангнинг вазифаси жуда масъулиятли. Керак бўлса ҳафталаб уйга келмаслигини яхши биласан. Балки, кечга томон қайтар.

– Унда дадамни кутаман. Уларга гапим вор. Менга маслаҳатлари керак.

– Қандай маслаҳат экан, менга айта қол, – беихтиёр қизига юзланди аёл йиғидан қизарган кўзларини унутив.

Кийимларини алмаштиришга тараддулланаётган Чарос:

– Ойижон, бу дадам билан ҳал бўладиган иш-да, – деди онасининг ғамли нигоҳига эътибор қилмай.

Маҳоратнинг юраги увишди. Отасини жондан севадиган қизи унинг қилиб юрган ишини, мақсадини билса, қандай аҳволга тушаркин? Ҳамма нарсаса таъсирчан ўсмир қалби буни кўтара оладими?

Ўғли Ҳумоюн-чи? Дадаси бир енгил-так аёлни деб, уларни ташлаб кетгани юзга чиқса, олий ўқув юртига кириш учун кечаю кундуз тайёргарлик кўраётган дилбандининг руҳи синмасмикан? Тенгқурлари олдида боши эгилмасмикан?

Энг ёмони, меҳр билан нафрат ораси бир қадам, деганларидек, уларнинг қалбида оталарига нисбатан меҳр кўри ўрнини нафрат ўти эгалламасмикан?

Буларни ўйлагани сари аёлнинг кўксига санчиқ кирарди. Ахир умр йўлдоши Жавоҳир билан йигирма йилдан зиёд бирга яшади. Унинг хизмат бурчи сабаб турли шароитларда ҳаёт кечирди, қанча қийинчиликларни бирга енгиб ўтди. Ниҳоят, оиласи эл назарига эришганда...

* * *

– Икки кундан кейин хизмат сафарига жўнайман. Нарсаларимни тайёрлаб қўй, – хизматдан кеч қайтган Жавоҳир негадир Маҳоратнинг кўзига қарамасликка ҳаракат қиларди.

– Тинчликми? Қаерга? Неча кунга?

– Худди мен биринчи марта кетаётгандек кетма-кет савол беришингни қара.

– Кўпдан буён...

– Ҳа, кўпдан буён хизмат сафарига чиқмадим, – аёлининг сўзини бўлди Жавоҳир. – Шунинг учун кечроқ қайтишим мумкин.

Унинг илк алдови, оиладан йироқлашуви шундан бошланди. Маҳорат буни руҳан сезди. Чунки турмуш ўртоғи билан яхши-ёмон кунларда ҳамиша бирга бўлиб, айро яшамаган аёл эридаги ўзгаришни қалбан ҳис қилди. Юрагидан «чирт» этиб нимадир узилди.

Тўғри, унинг нигоҳидаги совуқ мавҳумликни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойида эди. Яъни болаларига меҳрибон, рўзғорга жонкуяр, Маҳоратга эътиборли. Бироқ оиладаги ўрнини, мавқеини асрашга ҳаракат қилаётган эркак ҳаётидаги ахлоқий ўзгариш жиддийлашиб боргани сари буни ундай олмади. Эрлик, оталик бурчини аста-секин унутди...

Дастлаб, садақат билан хиёнат ўртасида бош кўтарган, «нопок йўлдан қайт», дея бонг урган виждони қийнала-қийнала унинг иродасизлигига кўникди. Бу – ҳаётда, хизматда ўрин

Бурчини унутган ота



топиб, подполковник даражасига эришган, ёши қирқдан ошган Жавоҳирнинг тубанликка юз тутиши эди.

Маҳорат эридаги ўзгаришни сезган бўлса-да, унинг ортидан суриштиришни, юриш-туришини тафтиш қилишни ўзига эп кўрмади. Тўғрироғи, фарзандлари оёққа туриб, қуда-андалик бўлишга яқинлашаётган бир паллада оила шаънига доғ тушишидан чўчиди. Қолаверса, болаларини ўйлади, уларнинг нозик қалбини хиёнат зарбасидан асрашни истади ва албатта, жуфти ҳалолининг номи ёмонотлиқ бўлишидан кўрқди. Аммо...

Аммо иродасиз эркак бу инсоний туйғуларнинг нечоғли азиятчилигини унутди, ўзи истаган йўлдан қайтмади. Оиласи, ўғил-қизини эмас, севиб қолган маъшукасини танлади.

Мана, шунга ҳам бир йил бўляпти. Ўтган ойлар давомида Маҳорат ўзи билан ўзи курашиб яшади, ўзини енгиб яшади. Рафиқа сифатида иззат-нафси, қадри хўрланган аёл гоҳида аламини йиғидан олди. У меҳри, фидойилиги ва сабри ила эрини бағрига қайтара олишига ишонганди. Аммо ҳарчанд ҳаракат қилмасин, Жавоҳир оиласидан узоқлашиб борди.

Сўнгги бир ой ичида эса оиласидан деярли хабар олмай қўйди. Маҳорат унинг хизмат жойига боришга мажбур бўлди. Лекин бу аёл учун яхшилик билан тугамади. Шунда ҳам у ўғил-қизидан бу сирни беркитишга ҳаракат қилди. Бироқ у минг турли баҳоналарни ишга солмасин, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, бугун-эрта оталари қилмишидан фарзандларининг хабар топишини сезиб турарди. Шу сабаб уларга ўзи ётиғи билан тушунтиришга, бу дадаларининг ҳаётидаги ўткинчи ҳолат эканлигини айтишга қарор қилди.

– Чарос қизим, кийимларингни алмаштириб бўлдингми? Кела қол, бирга тушлик қиламиз, – қизига айтадиган гапларини дилида қайта-қайта такрорлар экан, йиғлаб юбормаслик учун ўзини қўлга олди у.

Ҳар доимгидек қувноқ ва шаддод Чарос кўтаринки қайфиятда дастурхонга ўтирди ва беихтиёр онасига кўзи тушди-ю:

– Вой, ойижон, кўзларингиз қизариб кетибди, йиғладингизми? – деди ҳайрат ва хавотирини яширмай.

– Йўғ-е, нимага йиғлар эканман, тушлик тайёрлаш учун пиёз тўғраган эдим. Биласан-ку, кўзим жуда таъсирчан. Овқатингни есанг-чи, совиб қолади, – гапни бошқа томонга бурди Маҳорат. – Хўш, ота қизи, даданг билан қандай масалани ҳал қилмоқчи эдинг? Менга ҳам айта қол, жуда билгим келяпти, – деди жилмайишга ҳаракат қилиб.

– Ойижон, биламан, сиз бунга қаршилиқ қиласиз. Мени фақат дадам тушунади, – онасига эркаланди Чарос. – Майли, шундай бўлса ҳам айта қолай. Рози бўлсангиз, дарсдан сўнг қаратэга қатнашмоқчи эдим.

– Ўйлаб гапиряпсанми, қизим? – бирдан хушёр тортиди Маҳорат. – Ахир сен сариқ касал бўлгансан, жигар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Сенга спорт билан шуғулланиш умуман мумкин эмас. Айниқса, қаратэ билан, – куюн-чаклик ила қизига тушунтира кетди у.

– Ана, айтмадимми, сиз рози бўлмайсиз, деб.

– Даданг ҳам рози бўлмайди.

– Йўқ, у киши мени тушунади, – қайсарлигини қўймасди Чарос. – Бу ҳақда энди дадамга айтаман деганимда, хизмат сафарига кетиб қолди. Келганидан буён ҳам кўриша олмадим. Дадамни жуда соғиндим. Телефон қилсам, деярли жавоб бермайди.

– Даданг хизмат жойида телефон ишлатмаслигини биласан. Энди ёш эмассан, қизим. Ўзим ҳам дадангнинг муаммолари ҳақида аканг иккингиз билан гаплашмоқчи эдим.

– Дадамнинг хизматларида муаммо бормикан, қандай муаммо? – бирдан ҳаяжонланиб кетди Чарос.

Унинг ҳолатини кўриб, Маҳоратнинг тили айланмай қолди.

– Шу, оддий, ҳаётда учрайдиган муаммо-да, – каловланди у ва қизининг савол назари билан қараб турганини кўриб, гапни узоқдан бошлади.

– Қизим, оилада турли хил воқеалар бўлиб туради. Эр-хотин ўртасида ҳам. Даданг иккимиз ҳам келишолмай қолдик. Шунинг учун даданг мендан шу кунларда бироз аразлаб юрибди. Уни кутмаганинг маъқул. Арази тарқаган куни кириб келади.

Чарос кўзларини катта очганча киприк қоқмай онасига термилиб турар, унинг сўзларини ҳазм қилолмасди. Ва ниҳоят:

– Дадам бизни ташлаб кетдимми? – деди овози қалтираб.

– Нега энди ташлаб кетар экан? – қизининг доқадек оқариб кетган юзига қараб кўрқиб кетди Маҳорат. – Даданг сен билан акангни ҳеч кимга, ҳеч қачон алмашмайди. Ҳадемай оиламизга қайтади.

У шундай деди-ю, бўғзига тикилган аччиқ йиғидан жим қолди. Яна бир оғиз гапирса, ўксик қалбидаги алам кўзларидан ёш бўлиб қуйилишини ҳис қилиб турарди у.

Айниқса, эри билан учрашиб юрган ёшгина қиздан эшитган гаплари умр йўлдошининг ортига қайтишига ишонган аёлнинг бор умидини пучга чиқарганди.

Қадди навниҳол, ярим-ёрти кийимларидан қоматини кўз-кўз қилиб турган Рима Маҳоратга очикдан-очик таҳдид қилди:

– Эрингиз мени танлаганини тан ол-дими, унинг устидан шикоят қилиб, ҳеч нарсаса эришмасиз! Устидан арз қилиб судлашсангиз, ишдан бўшаб, номи қора рўйхатга тушади. Бу болаларингиз келажагига ёмон таъсир этишини яхши биласиз. Шунинг учун уйингизда тинчгина ўтирганингиз маъқул. Сизларни моддий томондан таъминлаб турса ҳам жон денг!

Маҳорат тубанликка, наҳсга ботган беҳаё аёлга нафрат ила бир зум қараб турди-ю:

– Сенга раҳмим келади, – деди аста. – Эндигина йигирма ёшдан ошган қиз ўзингга қирқ бешга кирган эркакни муносиб билибсан. Ёдингда тут, оиламни пароканда, болаларимни етим қилганинг учун сенга Аллоҳнинг жазоси муқаррар.

Ўртадаги суҳбатни эшик ортида эшитиб турган виждонсиз эрига эса ҳеч нарсаси демади. Унинг хиёнатидан юраги қай даражада куйиб турмасин, тўғри йўлни танлаши учун кўриладиган ҳар бир чора, инсофга келиши учун айтилажак ҳар бир гап айна дамба бефойда эканини сезди.

У ортига қайтар экан, фақат болаларини ўйлар, ҳаётнинг бу зарбасидан уларни асраш йўлини изларди.

Аммо қизи билан суҳбатлашиб билдики, бунинг уddасидан чиқиши осон эмас. Оталарини ўзларининг тоғдек таянчи, фахри деб билган ўғил-қизига буни тушунтириш осон эмас. У хушсиздек қотиб ўтирган қизига таскин бериш учун энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, эшик кўнғироғи чалинди. Эшикни очган Маҳорат останада турган Ҳумоюннинг ўзгача қиёфасидан қандайдир кўнғилсизликни сезди.

– Дадамнинг ёш қиз билан яшаб юргани ростми? – уйга кира солиб онасига юзланди у. – Ўртоқларим айтди, кўпдан буён ўша билан бирга экан. Наҳотки, сиз буни сезмагансиз, ойи?

– Ўзингни бос, ўғлим. Кўчадаги ҳамма гапга ишонаверма. Оғзига кучи етмаганлар нималар демайди.

– Йўқ, улар ёлғон гапирадиган йигитлар эмас. Мени огоҳлантириш учун, дўст сифатида айтишди. Аммо ўртоқларим олдида ер билан битта бўлдим. Агар шу гап рост бўлса...

Маҳорат аламдан қалтираётган қизиққон ўғлига қандай танбеҳ беришни ёхуд қандай насиҳат қилишни билмасди. Айниқса, отасига меҳри зиёда Чарос синовли дунёнинг бу аччиқ ҳақиқатини тан олмас, бир зумда ҳайкалдек забонсиз қизга айланганди.

Гоҳида хонасига беркиниб олиб, йиғидан аламини олаётган қизи икки кун ўқишга бормади. Учунчи куни эса...

– Ойи, ойи-и, Чарос томирини кесибди.

Ўғлининг жон ҳолатдаги қичқириғи ошхонани тартибга келтираётган Маҳоратнинг бошидан ҳушини учирди...

Чарос уч кун деганда шифохонада кўзини очди. Бошида унга термилиб ўтирган ранги афтода онаизорига кўзи тушди-ю, хато иш қилганини, бундай оғир дамларда аслида онасига таянч бўлиши лозимлигини тушуниб етди.

– Мени кечиринг, ойи, – деди аста унинг маҳзун чеҳрасига термилиб. – Мен сизни яхши кўраман.

Маҳорат қизинасининг тим қора сочларини меҳр ила силаб аста пешонасидан ўпди ва бир сўзни қайта-қайта такрорлади:

– Бағримга қайтганингга шукр, болам, беадад шукр. Менга сизлардан бошқа ҳеч нарсаси керак эмас. Менинг бахтим, борлигим, бу дунёда топган ягона бойлигим ўзингиз...

У айна дамба қанча вақт ўтмасин, турмуш ўртоғининг оиласига қайтишини, кўнгли ўксик фарзандларига оталик қилишини сезиб турарди. Фақат, фақат оталарининг нопок қадами сабаб қалби вайрон бўлган ўғил-қизи уни кечира олармикан, қабул қилармикан?..

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Dzyudo

ARMIYA SPORTCHISI JAHON CHEMPIONI!

Poytaxtimiz ilk bor mezbonlik qilayotgan dzyudo bo'yicha jahon chempionati bellashuvlari ayni qizg'in pallaga ko'tarildi. Vatanimiz sport sharafigini himoya qilish uchun terma jamoamiz safiga jalb etilgan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Davlat Bobonov murabbiy va muxlislar ishonchini oqladi, jahon chempioni bo'ldi!

Bundan bir necha yil oldin dzyudo xususida so'z borganda yurtimiz sport muxlisleri birinchi navbatda Pekin, London va Rio Olimpiadalarining bronza medali sohibi, ikki karra (2010 va 2011-yillarda) jahon chempioni, 2011-yili Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) tomonidan "Zamonamizning eng kuchli dzyudo ustasi" deb e'tirof etilgan "O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan sportchi", "O'zbekiston iftixori" faxriy unvonlari sohibi mayor Rishod Sobirovni tilga olishardi. Endilikda xalqaro maydonda uning o'rnini bosuvchi MVSMning yangi iste'dod sohiblari paydo bo'ldi, ular Diyora Keldiyorova va Davlat Bobonovdir.

Dzyudo bo'yicha xalqaro toifadagi sport ustasi Diyora Keldiyorova qit'a chempionligiga 2018-yilda erishgan, 2021-yili bronza medalga ega bo'lib, joriy yilda ikkinchi bor g'oliblikni takrorlagan. Yozgi universiada va Butunjahon umumarmiya o'yinlarida bronza medalni qo'lga kiritgan. 2021-yil Turkiyaning Antaliya shahrida o'tkazilgan musobaqada barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratib, "Katta Dubulg'a" turnirlarida g'oliblikka erishgan birinchi ayol dzyudochi sifatida yurtimiz sporti tarixidan joy olgan bo'lsa, bu g'oliblikni joriy yil aynan Antaliya "Katta Dubulg'a"sida yana bir bor takrorladi.

2020-yili yurtimizda "Yilning eng yaxshi sportchisi" deb topilgan nurotalik Davlat Bobonov esa "Tokio – 2020" yozgi Olimpiya o'yinlarida bronza medalni qo'lga kiritib, muxlislar suyuklisiga aylangandi. U bu muvaffaqiyatlarini yirik xalqaro turnirlarda takrorlab, joriy yil IJF (Xalqaro dzyudo federatsiyasi)



reytingida -90 kg vazn toifalilar ro'yxatida 1-o'ringa ko'tarilishga ham muvaffaq bo'ldi. Shu bois muxlislar Davlat Bobonovdan poytaxtimizdagi muhtasham "Humo Arena" sport saroyida o'tkazilayotgan 35-jahon chempionatida ham yuqori mahorat namoyish etishini kutishgandi va u bu ishonchni oqladi. O'z vaznida IJF reytingini boshqarib kelayotgan MVSM vakili musobaqaning beshinchi kuni bahslarga qo'shildi. U avvaliga slovakiyalik, keyin janubiy koreyalik va bolgariyalik kuchli raqiblarini mag'lub etdi. Yarim finalda esa Tokio Olimpiadasi g'olibi gruziyalik Lasha Bekaurini dog'da qoldirdi va jahon chempionligi uchun kurashish imkoniga ega chiqdi. Eslatib o'tamiz, Bobonov "Tokio – 2020"ning chorak finalida aynan gruziyalik Lasha Bekauridan mag'lub bo'lib, yarim finalga chiqolmagan va bronza medal uchun kurashishni davom ettirgandi. Aniqrog'i, Bekauri hujumga o'tgan vaqt "Bobonov noto'g'ri harakat bilan himoyalandi", degan qaror bilan hakamlar gruzin dzyudochisiga g'alabani berib yuborishgandi. Shu tariqa Davlat bronza medal uchun o'tish bosqichida amaldagi jahon chempioni ispaniyalik Nikoloz Sherazadishviliga qarshi bellashishiga to'g'ri keldi. Bu raqibini mag'lub etgan Davlat Bobonov bronza medal uchun bahsda turkiyalik Mixail Zgankdan ham ustun kelib, XXXII yozgi Olimpiada o'yinlarining

bronza medali bilan taqdirlangandi. 35-jahon chempionatida MVSM vakili gruziyalik azaliy raqibidan qaysidir ma'noda Olimpiada o'yinlaridagi o'sha mag'lubiyat alaminani ham oldi.

Dunyo birinchiligi final bellashuvida Bobonovga yoshlar o'rtasida jahon chempioni italiyalik Kristian Parlatti qarama-qarshi keldi. Tajriba bobida ancha ustun sanalgan armiyamiz sportchisi raqibiga imkon qoldirmadi va jahon chempionligini tantana qildi. Davlat Bobonov mazkur chempionatda o'zining tarixiy g'alabasiga erishish bilan birga yana ikki yildan keyin Parijda o'tadigan XXXIII yozgi Olimpiya o'yinlarining muhim reyting ochkolariga ham ega bo'ldi. O'z navbatida, Bobonov mazkur g'alabasi bilan 35-jahon chempionatida ishtirok etayotgan 82 ta davlat orasidagi O'zbekistonning o'rnini oltinchi pog'onaga ko'tardi.

Ta'kidlash joiz, musobaqaning beshinchi kungi final bellashuvlarini O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev bevosita "Humo Arena"da kuzatib bordi. Musobaqada g'olib va sovrindor bo'lgan sportchilarni taqdirlash marosimida davlatimiz rahbari bevosita ishtirok etdi.

Chempionat 13-oktabrga qadar davom etadi va tatamidagi bellashuvlar tafsilotlari bilan gazetamizning kelgusi sonida batafsil tanishasiz.

SHOHSUPA

(xabarlar)



Sloveniyada yoshlar o'rtasida o'tkazilgan taekvondo (ITF) bo'yicha jahon kubogi hamda Italiyada yoshlar va o'smirlar o'rtasida o'tkazilgan kikkboksing bo'yicha jahon chempionati bahslarida vakillarimiz juda yuqori natija qayd etishdi. Kikkboksingchilarimiz dunyo birinchiligida 4 ta oltin, 7 ta kumush va 15 ta bronza, jami 26 ta medalga ega chiqishgan bo'lsa, taekvondochilarimiz jahon kubogi musobaqalaridan 11 ta oltin, 14 ta kumush, 11 ta bronza, jami 36 ta medal bilan qaytishdi. Sloveniya va Italiya sport maydonlarida O'zbekiston madhiyasi yangrab, Vatanimiz bayrog'i yuksak ko'tarildi.

Professional bokschimiz Otabek Xolmatov WBA (Butunjahon boks assotsiatsiyasi) yo'nalishida chempionlikka tobora yaqinlashmoqda. Yarim yengil vazn toifasida WBA reytingida ikkinchi o'rinni egallab turgan Xolmatov bu borada peshqadam hisoblangan britaniyalik Tomas Patrik Uord bilan jang qilishi kutilmoqda. Ushbu jang bo'yicha kelishib olish uchun WBA bokschilar va ularning jamoasiga 30 kun muhlat berdi. Ta'kidlash joiz, mazkur jang g'olibi WBA chempioni Leo Santa Kruzga qarshi ringga chiqish huquqini qo'lga kiritadi.

Og'ir atletika bo'yicha Osiyo chempionati bahslari shu kunlarda Bahraynda bo'lib o'tmoqda. Ilk kuni atletimiz Jamila Panfilova (-49 kg) dast ko'tarish mashqlarida 79 kg natija ko'rsatib, bronza medalga ega chiqdi. Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari ham mazkur qit'a birinchiligida yurtimiz sport sharafigini himoya qilmoqda. Bahslar 16 oktabrga qadar davom etadi. Ta'kidlash joiz, 5–16 dekabr kunlari Kolumbiyada o'tadigan jahon chempionatiga hozirlik ko'rayotgani bois Olimpiya o'yinlari g'olibi Ruslan Nuruddinov, Akbar Jo'rayev kabi bir qator yetakchi sportchilarimiz ushbu Osiyo chempionatida ishtirok etmaydi.

Rustam Odilov, Murodxon To'rayev va Olim Odilov uchligi Qozog'istonda o'tkazilgan Osiyo kubogi bahslarida qatnashdi va yakunda ular "musobaqaning eng yaxshi hakamlari" sifatida e'tirof etildi. 14 ta davlatning 200 nafar sportchisi ishtirokida o'tgan Aktau shahridagi bahslar yurtimiz sambochilari uchun ham muvaffaqiyatli kechdi. O'zbekiston terma jamoasi a'zolari umumiy hisobda Osiyo kubogi bahslarining 4 ta kumush, 6 ta bronza, jami 10 ta medaliga egalik qilishdi.

Triatlon (1,5 km.ga suzish, 40 km.ga velopoyga, 10 km.ga yugurish) bo'yicha Osiyo kubogi bahslariga Samarqand shahri mezbonlik qildi. "Buyuk Ipak yo'li" xalqaro turistik markazidagi eshkak eshish kanali hududida o'tkazilgan musobaqada dunyoning 30 ta davlatidan kelgan 70 nafardan ortiq eng kuchli sportchi qatnashdi. Ayollar o'rtasidagi bahslar yakunda Jahon triatlon federatsiyasi bayrog'i ostida qatnashgan Tous Xeska "2022 Asian Triathlon Cup Samarkand" musobaqasining g'oliblik shohsupasiga ko'tarildi. Erkaklar o'rtasidagi bahsda ispaniyalik David Kontero Del Kampo mutlaq g'oliblikka erishdi.

Salomatlik

Teri kasalliklari ichida zamburug'li kasalliklar bilan og'rigan bemorlar salmoqli o'rinni egallaydi. Zamburug'li kasalliklarni o'simlik parazitlariga mansub zamburug'lar qo'zg'atadi. Ular havoda, tuproqda, o't va suvda noaktiv hayot kechiradi. Ammo odam yoki hayvon terisiga tushganda, kasallik keltirib chiqaradi. U asosan bemor bilan bevosita muloqotda bo'lganda yoki uning zararlangan buyumlaridan foydalanganda yuqadi.

TERINING ZAMBURUG'LI KASALLIKLARI

Zamburug'li kasalliklar patologik jarayonning joylashgan o'rniga qarab turli xillarga bo'linadi. Ular umumiy qilib mikozi (yunoncha "mycos" – "zamburug") deb ataladi. Eng ko'p uchraydiganlari – oyoq mikozi. Oyoq mikozi harbiy xizmatchilar orasida ham keng tarqalgan. Chunki turli xil jismoniy, jangovar hamda dala mashg'ulotlari vaqtida kiyiladigan poyabzallar ichida oyoq muntazam terlaydi. Natijada terida patogen zamburug'lar rivojlanadi. Oyoqning ko'p terlashi, ya'ni gipergidroz oyoq panjalari orasida zamburug'lar rivojlanib, kasallik kelib chiqishiga sabab bo'ladi. Kasallik alomatlari paydo bo'lsa, dermatolog shifokorga murojaat qiling.



PROFILAKTIKA

– Oyoq'ingizni har kuni antibakterial yoki kirsovun bilan yuving. Paypoq yoki poyabzal kiyishdan avval oyoq'ingizni

yaxshilab quriting. Bu bakteriyalarning ko'payish ehtimolini kamaytiradi;

– imkon qadar havo o'tkazadigan poyabzal oling. Poyabzal kiyib yurishda o'ziga namlikni shimadigan vositalardan foydalaning. Nafas oluvchi va namlikni yaxshi shimadigan paypoq tanlang. Paypog'ingizni har kuni yuving. Agar oyoq'ingiz juda ko'p terlasa, paypoqni bir kunda bir necha marta almashtiring;

– jamoat joylarida (*hovuz, mehmonxona, sport zali*) oyoqyalang yurmang;

– umumiy sog'liqqa katta e'tibor qiling va immunitetni mustahkamlang.

Kasallikning oldini olishda avvalambor oyoq terlashini bartaraf qilish darkor. Bunda bizga turli vositalar qatorida zamburug'lar, mikroblar va viruslarga qarshi vosita sifatida nanokumush asosidagi mahsulotlar samarali yordam beradi.

Nanokumushning ayrim xususiyatlari: tez ta'sirchanlik, yuqori sezuvchanlik, teriga allergik va nafas yo'lga zaharli ta'sirining yo'qligi, noxush va o'tkir hidsizlik, tarkibida spirt va xlor moddalarining yo'qligi.

Nanokumush eritmasini askarlar yotoqxonalarini zararsizlantirishda ham qo'llasa bo'ladi. Chunki uning nafas yo'lga zaharli ta'siri yo'q va metall yuzalarini korroziyaga uchratmaydi.

**Tibbiy xizmat polkovnigi
B. BOBORAHIMOV**

Chempionat

ENG MOHIR AVTOMODELCHILAR BELLASHDI

Tashkilotning Samarqand birlashgan texnika maktabida o'tkazilgan musobaqada sportchilar o'rtasida "E-1", "E-2", "E-3" va "E-4" sinfidagi hamda 18 yoshgacha bo'lgan o'smirlar o'rtasida "TEMP", "AM-1", "AM-2" va "KA-2" sinfidagi modellari sinovdan o'tkazildi.

Musobaqaning ochilish marosimida "Vatanparvar" tashkiloti Samarqand viloyati kengashi raisi Bekzod Rahimov, tashkilotning Respublika texnik va amaliy sport turlari markazi bosh hakami Viktor Yundin, davlat va jamoat tashkilotlari vakillari so'zga chiqib, avvalambor ushbu musobaqaning o'tkazilishi model sport turlari rivoji sari navbatdagi qadam ekanligi, shu bilan birga, ushbu tadbir respublikamizning turli hududlaridan tashrif buyurgan sportchilar o'rtasida do'stlik va tajriba almashish aloqalarini yanada mustahkamlashini ta'kidladilar hamda musobaqaning barcha ishtirokchilariga omad tiladilar.



Samarqandlik estrada xonandalarining kuy-qo'shiqlari tadbir mehmonlari va ishtirokchilariga o'zgacha shukuh bag'ishladi.

Musobaqaning ochilish marosimidan so'ng sportning avtomodel turi bo'yicha O'zbekiston chempionatiga start berildi. Unda respublikamiz hududlaridan tashrif



buyurgan 30 nafarga yaqin sportchi yil davomida o'zlari tomonidan tayyorlangan modellari bilan ishtirok etdilar.

Ikki kun davomida murosasiz va qizg'in kechgan musobaqa quyidagi natijalar bilan yakunlandi:

1-o'rin: Farg'ona viloyati jamoasi;
2-o'rin: Surxondaryo viloyati jamoasi;
3-o'rin: Buxoro viloyati jamoasi.

G'olib va sovrindorlar "Vatanparvar" tashkilotining diplom, medal va qimmatbaho esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

**Mudofaaga ko'maklashuvchi
«Vatanparvar» tashkiloti
matbuot xizmati**

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan Samarqand shahrida avtomodel sport turi bo'yicha O'zbekiston chempionati bo'lib o'tdi.

НОВЫЕ ВОЕННЫЕ РАЗРАБОТКИ

Под рубрикой «Военная наука» мы продолжаем знакомить наших читателей с новыми разработками военных специалистов в сфере вооружений и боевой техники. Далее вашему вниманию в краткой форме предлагаются последние сведения о новинках, разработанных специалистами различных фирм и компаний, а также произведенных на предприятиях военно-промышленных комплексов разных стран мира.

Специалисты израильской компании «Рафаэль» завершили разработку наземного варианта ракеты класса «воздух-воздух» увеличенной дальности I-Derby ER (*Extended Range*), запускаемой зенитным ракетным комплексом (ЗРК) «Спайдер». По сведениям руководства компании, вариант ракеты класса «поверхность-воздух» может быть интегрирован в данные ЗРК, что даст возможность поражать цели на дальности 40 или 80 км в случае оснащения ее ускорителем. Это более чем вдвое превышает дальность стрельбы предыдущей модификации этой ракеты.

Компания «Локхид-Мартин» разработала новый комплекс, предназначенный для борьбы с беспилотниками – противоракетный летательный аппарат под обозначением MORFIUS. По сообщениям издания «Брейкинг дефенс», он оснащен микроволновым излучателем мощностью 1 ГВт, которой достаточно для выведения из строя беспилотные летательные аппараты даже в составе роя. Известно, что MORFIUS имеет массу 13,6 кг и приводится в действие с помощью достаточно легкой пусковой установки.

Морская пехота ВМС США проводит испытания новой боевой машины-амфибии ACV производства компании «БАэ системз», специально разработанной как для передвижения по суше, так и преодоления водных преград. В водной среде ACV может плыть со скоростью 11 км/ч, а при выезде на сушу – 96,5 км/ч. Новая машина может транспортировать 13 морских пехотинцев и вооружена 30-мм автоматической пушкой и 7,62-мм пулеметом.

Украинские разработчики создали образец многофункционального электромобиля «Шторм», способного передвигаться по суше, плавать при высоте волны до 1,5 метров и работать в автономном режиме до 36 часов. При сборке новой машины использовались броня из Финляндии, амортизаторы из Австралии, электрические батареи из Китая, резиновые гусеницы из Объединенных Арабских Эмиратов, где и было представлено это изделие.




гаситель движений опорной руки солдата. Стрелку достаточно выбрать цель, затем в дело вступает система, удерживающая оружие в правильном положении, при этом компенсируются естественные тряска или колебания руки. Контроль обеспечивается стабилизирующим прибором, закрепленным под стволом на универсальном креплении типа Пикатинни. Система стабилизации разрабатывается в рамках программы создания перспективного оружия для пехотного отделения NGSW, конечная цель которой – это замена в войсках устаревших карабина M4 и ручного пулемета M249.

В Пакистане проведено успешное испытание баллистической ракеты «Шахин-1А» с высокоточной системой наведения, дальность действия которой составляет 900 километров. Ракета длиной 12 метров способна нести боеголовку массой 1 тонна в ядерном и обычном оснащении. Целью летных испытаний была проверка конструктивных и технических параметров системы вооружения.

Специалисты европейской организации по сотрудничеству в области вооружений разработали зенитный ракетный комплекс (ЗРК) нового поколения SAMP/T NG (*New Generation*) для ВС Франции и Италии. По сообщениям издания ЦАМТО (*Центр анализа мировой торговли оружием*), этот ЗРК будет применяться в условиях интенсивного воздушного движения гражданских судов, полностью интегрироваться в сетевую систему ПВО и поражать вдвое больше целей различного типа. Двухступенчатая твердотопливная зенитная управляемая ракета массой 450 кг с 15-кг осколочно-фугасной боевой частью может развивать скорость до 4,5 числа Маха и способна поражать цели на дальности до 120 км и на высоте от 50 м до 20 км.

Компания «Израэль аэроспейс индастриз» разработала и испытала новую версию противоракеты, предназначенную для комплексов «Барак-8» с радиусом действия 150 км. Двухступенчатая твердотопливная ракета вертикального пуска, способная перехватывать цели в любом направлении на высоте до 30 км, имеет осколочно-фугасную боевую часть массой 23 кг и оснащена системой промежуточной коррекции курса по данным GPS/INS.

Германский консорциум ARTEC представил новый вариант бронетранспортера GTK «Боксер» с дистанционно управляемым боевым модулем «Протектор» RT60 норвежской компании «Конгсберг» с автоматической пушкой XM813 калибра 30 мм, спаренным пулеметом калибра 7,62 мм, а также пусковой установкой противотанкового ракетного комплекса на две ракеты. Кроме того, на крыше модуля установлен еще один дистанционно управляемый пулемет калибра 12,7 мм. Экипаж БТР три человека, в десантном отделении могут разместиться 8 человек.



В сухопутных войсках США проходят испытания новой системы стабилизации стрелкового оружия при ведении стрельбы, получившая обозначение ACE (*Aim Control Enhancer*). По сообщениям западных военных СМИ, ее применение в ходе боевых действий позволит компенсировать колебания руки военнослужащего, поддерживающей оружие, и, как следствие, повысит точность стрельбы. Кроме того, это повысит боевые возможности солдата за счет принудительной стабилизации ствола винтовки при выстреле. В систему входит механический

TAVSIYANOMA

(Psixolog maslahati)

• Sizni hurmat qilganlarni hurmat qiling, yaxshi ko'rganlarni yaxshi ko'ring, lekin sizni yomon ko'rganlarni e'tiborsiz qoldirishni odat qiling.

• Do'stlarni faqat ularga ishingiz tushganida yo'qlaysizmi? Demak, siz xudbin odamsiz. O'zingizning band ekanligingizni bahona qilmang. Haqiqatni tan oling!

• Asabiylashyapsizmi? Bunday holda chuqur nafas oling, kulgili voqealarni eslang, latifa o'qing yoki komedik filmni tomosha qiling. Jahlingizni kulgidan oling. Qah-qah otib kulish asablardagi chigalliklarni yechishga yordam beradi.

• Sizni ayblashyaptimi? Qizishmang, avval gap nimada ekanligini aniqlang. Aybsiz bo'lsangiz, xotirjam gapirishga harakat qiling. Chunki jazavaga tushgan insonni aybdor deb xulosa qilishadi.

• Har dam olish kunlari uyingizni saranjomlash vaqtida ongingizdagi fikrlarni ham saralash esingizdan chiqmasin.

Choko keks

Kerakli masallqlar: 200 g shakar, 2 ta tuxum, 200 g qatiq, 1 choy qoshiq razrixlitol, 200 g un, 2 qoshiq kakao, 1 chimdim vanilin, 100 g qaymoq, 100 g shokolad.

Tayyorlanishi: shakarimizga 2 ta tuxumni solib, oqarguncha ko'pirtirib olamiz. Boshqa idishga qatini solib, 0.5 choy qoshiqda razrixlitol bilan aralashtirib, tuxumli massamizga qo'shamiz. Un va kakao, vanilinni suyuq massamizga qo'shib, qoliplarga solamiz, 180 issiqlik darajasida 30-35 daqiqa pishirib olamiz. 100 g qaymoqni gazda eritib olib, erigandan so'ng 100 g shokoladga qo'shib, bezagimizni tayyorlaymiz. Qishib chiqqan kekslarni ustidan qo'yib chiqamiz va xohishga ko'ra bezatamiz.

Yoqimli ishtaha!

• Tushkunlik – bu kasallik. Biz sog'lom bo'lish uchun to'g'ri ovqatlanamiz, o'z vaqtida dam olamiz, sog'lom turmush tarziga amal qilamiz. Unday bo'lsa, nega tushkunlikka tushamiz? Biz tishimiz, badanimiz, tirnoqlarimizni toza saqlashga harakat qilamiz-u, ammo ongimizni salbiy o'y-xayollardan tozalashni unutib qo'yamiz. Natijada, fikrlarimiz javondagi betartib kiyim-kechak yoki asbob-anjomlar kabi chuvalashib ketadi. Bu esa bizni ruhan toliqtiradi.

AYOLLAR BEKATI

Yong'in xavfsizligi

KO'NIKMA VA MALAKA UYG'UNLASHGANDA

Markaziy harbiy okrug Samarqand va Jizzax garnizoni yong'in nazorati inspeksiyasi hamda shahar, tuman favqulodda vaziyatlar bo'limlari yong'in qutqaruv qismlari hamkorlikda harbiy qism va muassasalardagi yong'in o'chirish komandasining kuch va vositalarning amaliy ko'nikmalarini oshirish maqsadida nazariy va amaliy mashg'ulotlar o'tkazdi.



O'tkazilgan mashg'ulotlarda favqulodda yong'inlarni bartaraf etish borasidagi harakatlari qo'riqlanayotgan obyektlarda shartli "Yong'in trevoga" signallari e'lon qilish orqali ularning sergakligi yanada oshirildi.

Shuningdek, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan to'g'ri foydalanish tartibi to'g'risida atroflicha ma'lumot berildi, o'tkazilayotgan mashg'ulotlar harbiy xizmatchilar va yong'in o'chirish komandasi shaxsiy tarkibini olovdan hamisha hushyor bo'lishi,

to'satdan yuzaga keladigan yong'in paytida to'g'ri harakatlanish ko'nikmasini yanada mustahkamladi.

Markaziy harbiy okrug harbiy qism va muassasalarida yong'inga qarshi profilaktika tadbirlari o'tkazilishi davom etmoqda.

Mayor P. BOYQO'ZIYEV,
Samarqand garnizoni yong'in
nazorati inspeksiyasi boshlig'i

Kelajagimiz egalari

YOSHLAR VA HARBIYLAR UCHRASHUVI

Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash barchamiz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan masaladir.



Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy institutida Zangiota tumani xalq ta'limi bo'limi va tuman ma'naviyat bo'linmasi mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining tuman kengashi bilan hamkorlikda o'quvchi-yoshlar ishtirokida ochiq eshiklar kuni o'tkazildi.

O'quvchi-yoshlar va mehmonlar dastlab aloqa harbiy institut faoliyati, kursantlarga yaratilgan shart-sharoitlar, zamonaviy o'quv xonalari, ilmiy tadqiqotlar laboratoriyasi, shinam yotoqxonalar, sport majmuasi bilan yaqindan tanishdilar.

Shundan so'ng o'quvchilar va harbiy xizmatchilar ishtirokida buyuk sarkardalarimiz Jaloliddin Manguberdi va Amir Temur tematik sinflarida davra suhbatlari o'tkazildi.

Mayor Sherqo'zi HAKIMOV

Seminar

OCHIQ

Kunlar soviy boshlagach, xonadonlarda uylarni isitishga bo'lgan talab ortadi. Ko'p hollarda aholi uyni isitish uchun sertifikatini yo'q, talabga javob bermaydigan qo'lbola vositalardan foydalanadi. Bu esa hayot uchun katta xavf keltirib chiqaradi.

ESHIKLAR KUNI



Unda O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurori yordamchisi adliya podpolkovnigi Ilhom Salomov,

Toshkent harbiy prokurori yordamchisi adliya podpolkovnigi Alisher Qurbonov, Olmazor tumanida joylashgan bir qator maktab o'quvchilari va xodimlar ishtirokida qizg'in seminarlar tashkil etildi. Tadbir kuz-qish mavsumiga tayyorgarlik ko'rish hamda tabiiy ofatlarning oldini olish maqsadida tashkil etildi. Shu sababli o'quvchilarga qiziqarli bo'lishi uchun mutaxassislar nafaqat nazariy, balki amaliy tarzda ham o'z ko'nikmalari bilan o'rtoqlashdi.

O'quvchilar uchun yong'in qutqaruv texnikalari, asbob-uskunalar, qutqaruv kiyim-boshlari va avtonarvonlar namoyishi o'tkazildi. Kun davomida ishtirokchilar o'zlarini qiziqtirgan barcha savollarga javob olishdi.

Muattar MUHAMMADIYEVA,
«Vatanparvar»

Yurtimiz bo'ylab Xalqaro tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish kuni munosabati bilan aholi orasida tushuntirish ishlari olib borilmoqda. Shu sababli yoshlar uchun Olmazor tumani favqulodda vaziyatlar bo'limida ochiq eshiklar kuni bo'lib o'tdi.



BOLAJO'N

SIRLI XONA LABIRINT

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim zamonda, quyosh chiqar tomonda bir ayol o'n yoshli o'g'li bilan yashar ekan. Ular yangi uy sotib olishibdi. Uyning egasi ketish oldidan ona-bolani bir sirdan ogoh etibdi:

– Sizlarga bir gapni aytishim kerak. Uyning yerto'lasida bir xona bor. Unga aslo kira ko'rmang.

– Xonaning siri nimada? – taajjulanibdi ayol.

– U yerga kirgan odamda vaqt o'tib, yomon illatlar paydo bo'ladi va tez qariy boshlaydi. Shuning uchun o'g'lingizning u yerga kirishidan ehtiyot bo'ling.

Oradan yillar o'tibdi. Ayolning o'g'li o'n beshga to'libdi. U o'g'liga sirli xonaga kirmasligi haqida doimo eslatib turarkan. Bir kuni ayol bozorga bormoqchi bo'libdi. Yo'lga tushish oldidan o'g'liga yana tayinlabdi:

– O'g'lim, men tez qaytaman. Sen buyurgan ishlarimni bajarib qo'y. Yerto'ladagi omborni ham tartibga keltir. Yodingda bo'lsin, aslo u yerdagi berk xonaga yaqinlashma! Tushundingmi?

– Yosh bola emasman-ku, ona? – qovog'i uyilibdi o'smir yigitchaning. – Bitta gapni takrorlaganingiz takrorlagan. Qo'rqmang, u xonani ochmayman.

Ayol ko'ngli xotirjam bozorga jo'nabdi. O'g'li esa onasi tayinlagan yumushlarni bajarishga kirishibdi. Omborni tozalab turib, sirli xonaga ikki-uch bor qarab qo'yibdi. Oxiri sabri chidamay, eshikka yaqinlashibdi. "Qachongacha bu xona berk turadi? Ichida nima borligini bilish kerak-ku, – o'ylabdi u. – Onam yo'qligida ochib, yana berkitib qo'yaman, sezmaydi".

U sirli xona eshigini ochgan zahoti ichi yorishib ketibdi. Devorlarida turli xil yomon illatlarining rasmlari bor ekan. Masalan, dangasalik, yolg'onchilik, manmanlik, isqirtlik... Bola ularni tomosha qilibdi-da, "Sirli xona emish, hech qanday vahimali narsa yo'q-ku", deya qaytib chiqibdi. Onasiga bu haqda og'iz ochmabdi.

Ko'p o'tmay, yigitchaning fe'lida xunuk o'zgarishlar sodir bo'la boshlabdi. Dastlab tanbali bo'lib kir-chir yurishga odatlanibdi. Onasiga

yolg'on gapiradigan, qo'pol muomalali bolaga aylanibdi. Bu ham yetmagandek, yuzlariga ajin oralabdi. Shundagina onasi uning sirli xonaga kirganini anglabdi. O'g'liga obdan tanbeh beribdi, ammo buning qanday oldini olishni bilmabdi.

Qariy boshlayotgan yigitcha onasining yig'lab siqilayotganini ko'rib, dardiga davo topish uchun tong sahar uyidan chiqib ketibdi. Yurib-yurib, bir katta bog'

oldida to'xtabdi. Bog' suvsizlikdan qaqrab yotar, ko'zi ojiz bo'lib qolgan egasi uni parvarishlashga ojiz ekan. Yigitcha shu bog'ni qarashga ahd qilibdi. O'zidagi dangasalikni yengib, ishga kirishibdi. Bog'ni sug'oribdi, daraxtlarning tagini chopib, shoxlarini

tartibga keltiribdi. Bog' egasiga ham g'amxo'rlik qilibdi. Uning mehnati evaziga daraxtlar mevaga kiribdi.

Qarangki, daraxtlar gullab-yashnagani sari bog' egasining ko'zlari ochilib ketibdi. Yigitchada esa o'zgarish bo'lmabdi, u asta-sekin qarishda davom etibdi. U bog'bonga boshidan kechirganlarini aytib beribdi.

– O'g'lim, menga katta yordam berding, endi yordam berish navbati menga, – debdi.

– Qanday yordam berasiz, buning iloji yo'q,



– xo'rsinibdi bola. – Hamma ayb o'zimda, o'sha eshikni ochmasligim kerak edi.


– Sen bu haqda o'ylama. Hozir savatga turli xil mevalardan ter, onangga olib boramiz. Qolganini o'sha yerda gaplashamiz.

Yigit mevalarni ko'tarib, bog'bon bilan birga onasining oldiga borishibdi. O'g'lining yo'lga ko'z tutib xomush o'tirgan ayol xursand bo'lib ketibdi. Bog'bon o'sha


zahoti yerto'laga tushib, yigitcha bilan birga sirli xonani buzib tashlabdi. Zum o'tmay, bola avvalgi holatiga qaytibdi va quloqsizligi uchun onasidan kechirim so'rabdi. Ular yana ahil-inoq yashay boshlashibdi.

Sarvinov QUDRATOVA,
Mirzo Ulug'bek tumanidagi
241-umumta'lim maktabining
6-sinf o'quvchisi

SICHQONCHAGA PISHLOQNI MUSHUKKA SEZDIRMASDAN OLIB KETISHIGA YORDAM BERING!



MAYMUNCHALARNING QAYSI BIRIDA BIRINCHI BO'LIB SUV OMBORIDA SUV QOLMAYOTGANINI TOPING!



KUNLARDAN BIR KUNI...

Kunlardan bir kuni Eynshteyn hamrohlarini tabiat manzarasi bilan tanishtirayotib, shunday deydi:

– Ro‘parangizdagi mana shu tog‘da qadimgi qasr xarobalari bor. Tik jarlik yoqasidagi so‘qmoq bo‘ylab borsangiz, tog‘ etagidagi yashil vodiya chiqasiz. Bu so‘qmoq juda xavfli, ehtiyot bo‘lish lozim, mabodo jarlikdan qulab ketguday bo‘lsangiz, o‘ng tomonga qarashni unutmang. Ko‘z oldingizda juda go‘zal manzara namoyon bo‘ladi.

Enriko Karuzo birinchi marta Amerikaga kelganda jurnalistlar uni o‘rab oladi. Ulardan biri xonanda an so‘raydi:

– Italiya va Amerika o‘rtasidagi savdo aloqalari haqida nima deya olasiz?

– Bu haqda hech o‘ylab ko‘rmagan ekanman, – deydi xonanda biroz xijolat bo‘lib. – Lekin ishonchim komilki, nima demoqchi ekanimni ertaga chiqadigan gazetalardan o‘qib bilib olarman.

Lessing parishonxotirligi bilan mashhur edi. U bir kuni uyiga kech qaytib, eshikni taqillatadi. Ichkaridan shunday javob bo‘ladi:

– Janob professor uyda yo‘q!
– Hay, mayli, nima ham qilardim, boshqa vaqtda kelarman, – deya professor uyidan uzoqlashadi.

O‘z davrida tilga tushgan “Aleksandr Nevskiy” filmi suratga olinayotgan edi. Nogoh bosh rol ijrochisi Nikolay Cherkasovning tobi qochib qoladi. Suratga olish maydoni studiyaga yaqin edi. Aktyor Aleksandr Nevskiy libosi va grimida ichkariga shoshadi. Lekin qorovul yo‘lini to‘sisib, so‘raydi:

– Ruxsatnomangizni ko‘rsating!
Aktyor ruxsatnomasi pardoixonada qolganini aytadi. Qorovul esa baribir ichkariga kiritmaydi. Shunda Cherkasov buyuk sarkarda rolini o‘ynayotganini eslab qoladi. Qahr bilan shamshirini qinidan sug‘urib, qorovulga xezlanadi:

– Yo‘lni bo‘shat, yaramas! Hozir kallangni sapchadek uzib tashlayman!

Qo‘rqib ketgan qorovul boyaqish orqa-o‘ngiga qaramay qochib qoladi.

Dog‘istonlik mashhur shoir Abutolibning kitobini noshirlar kelgusi yilga qoldiradilar. Shunda shoir noshirlarga deydi:

– Qiziq, tarjimon Effendi Kapiyev men bilan suhbatlashib, aytgan gaplarimni yozib oldi va o‘sha zahotiyoq matbuotda e‘lon qildi. Rasul Hamzatov ham xuddi shunday qiluvdi. Ammo o‘zimning fikrimni o‘zim kitob qilib chiqarmoqchi bo‘lsam, bir yil ortga surishyapti. Qani mantiq?

Iqtidori o‘rtachadan ham nochor bo‘lgan bir adib jamiki unvon, orden va lavozimlarga ega bo‘ladi. Uni ko‘chada uchratgan Abutolib shunday deydi:

– Sen hamma narsaga erishding. Endi mutlaqo yozmasang ham bo‘laveradi.

Yozuvchilar uyushmasida ishlaydigan rahbarlardan biri grafomanlik bilan shug‘ullanardi. Uning yozganlari atrofdagilarda istehzoli kulgi uyg‘otardi, xolos. Yozuvchi Viktor Shklovskiy unga shunday ta‘rif beradi:

– Yozuvchilik bilan shug‘ullangan ma‘muriyatchi xuddi opera teatrida kuylayotgan o‘t o‘chiruvchiga o‘xshaydi.

Gyote Veymar shahridagi istirohat bog‘ida sayr qilib yurgan edi, ro‘parasidan bir tanqidchi chiqib qoladi. Ular bir-birini yoqtirishmasdi. Qarshi tomondan kelayotgan tanqidchi takabburlik bilan dedi:

– Men ahmoqlarga yo‘l bermayman!
– Men hamisha ahmoqlarga yo‘l berganman!
– dedi buyuk Gyote kulimsirab va sekin yo‘lining chetiga chiqdi.

Shodmon OTABEK tarjimai

DUNYONING G‘AROYIB HAQIQATLARI

Bizni o‘rab turgan olamda shunday hodisa va voqealar borki, ular haqida eshitib hayratlanmaslikning iloji yo‘q. “Ular qanday hodisalarki, insonlar hayratiga sabab bo‘lsa?” Ayni vaqtda xayolingizdan shu savol o‘tayotgan bo‘lsa, ajab emas. O‘ylaymizki, quyidagi ma‘lumotlar orqali siz o‘zingizni qiziqtirgan barcha savollarga javob topasiz.

➤ Yer sharining yarim aholisi biror marta ham qor ko‘rmas ekan.

➤ Osakada (*Yaponiya*) shunday yo‘l borki unga binodagi ofis orqali o‘tiladi.

➤ Yerdagi qum zarralaridan ko‘ra osmondagi yulduzlar soni ko‘proqdir.

➤ Charli Chaplin ikkita bir-biriga o‘xshagan Charli Chaplin tanlovida uchinchi o‘rinni olganini ko‘pchilik bilmasa kerak. Ammo bu haqiqat.

➤ Xitoy maktablarida o‘quvchilarning yaxshi o‘qishlari uchun dars vaqtida sinfda 20 daqiqa uxlashlariga ruxsat berishar ekan.

➤ Aktrisa Shirli Xenderson “Garri Potter” filmida Plaksa Mirtl degan 13 yoshli o‘quvchi qiz rolini ijro etganida 40 yoshlar atrofida bo‘lgan.

➤ Dunyoda kubik-rubik o‘yinchog‘i eng ko‘p sotiladigan tovar hisoblanadi.

➤ Kolibri degan qushcha orqasiga qarab uchadigan yagona qushdir. Uchayotgan vaqtda uning yurak urish tezligi daqiqasiga 500 taga yetadi.

➤ Rossiya bilan AQShni bor-yo‘g‘i 4 kilometr ajratib turadi.

➤ Ummondagi eng sershovqin mavjudot krevetka (*mayda qisqichbaqa*) sanaladi.

➤ Aleksandr Greyam Bell telefonni kashf qilgan bo‘lsa ham biror marta onasi va rafiqasiga telefon qilmagan ekan. Nega? Chunki ularning eshitishda nuqsoni bo‘lgan.

➤ Livermor shahrida 110 yildan buyon yonib turgan chiroq bor.

➤ Dunyodagi eng uzun tog‘ zanjiri suv ostida joylashgan.

➤ Tarixiy asarlar butun dunyodagi barcha muzeylarga qaraganda dengiz ostida ko‘proq mavjud.

Internet materiallari asosida tayyorlandi.

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog‘lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS



O‘ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqiriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo‘lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: mayor Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo‘ziyeva

Musahhih: Mastura Qurbonova

Buyurtma: F-1005

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 755 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko‘rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko‘chasi, 1-uy.